2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 170 (959), 2023 йил 24 август, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИК ВА АБАДИЙ ДЎСТЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ХАЛҚЛАРИМИЗНИ ЯНАДА ЯҚИНЛАШТИРАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 22-23 август кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.**



Давлатимиз раҳбари Озарбайжонга давлат ташрифининг иккинчи куни рафиқаси билан бирга Фузулий шаҳрига келди.

Олий мартабали меҳмонларни Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев ва рафиқаси кутиб олди.

Шаҳар буюк озарбайжон шоири ва мутафаккири Муҳаммад Фузулий шарафига номланган. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларигача Фузулий туманида саноат ва қишлоқ хўжалиги ривожланган. Бу ерда кутубхоналар, маданият уйлари, музейлар, театрлар, боғлар ва бошқа маданий объектлар фаолият юритган.

Ўтган қарийб 30 йилда Фузулий буткул вайрон бўлиб, “арвоҳ шаҳар”га айланган эди. Ҳарбий ҳаракатларга қадар бу ерда 18 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилган.

2020 йилда қайта тиклаш ишлари бошлангач, шаҳарга аста-секин ҳаёт қайтмоқда. Уй-жойлар қурилиб, ижтимоий ва транспорт инфратузилмаси бунёд этилмоқда.

Ушбу муҳим ва оғир паллада Ўзбекистон Озарбайжон билан бирга. Зеро, халқларимиз ўртасидаги муносабатларнинг илдизлари узоқ ўтмишга эга. Бизларни бир дин, тил ва анъаналар, маънавий қадриятлар ва маданият муштараклиги бирлаштириб туради.

Мустаҳкам дўстлик ва биродарлик ифодаси сифатида мамлакатимиз етакчиси 2021 йил 31 март куни бўлиб ўтган Туркий кенгашнинг норасмий саммитида Ўзбекистон Қорабоғ заминидаги ёдгорликлар, маданият ва маърифат масканларини қайта тиклашга ўз ҳиссасини қўшишга тайёр эканини таъкидлаган эди.

Фузулий шаҳрида 960 нафар ўқувчига мўлжалланган замонавий мактаб қурилиши Президентимиз ташаббусининг амалий ифодаси бўлди.

Мирзо Улуғбек номидаги 1-сонли мактабда 40 та синфхона, 6 та лаборатория, 2 та информатика хонаси, 5 та функционал ўқув хонаси, мажлислар ва спорт заллари, ошхона, кутубхона мавжуд. Футбол майдони, дам олиш ва тадбирлар ўтказиш учун жойлар ташкил қилинган.

Янги мактаб халқларимизни янада яқинлаштириш, ўсиб келаётган озарбайжонлик ўғил-қизларни Ўзбекистоннинг бой тарихи ва маданиятига, буюк аждодларимизнинг меросига ошно қилишга хизмат қилади.

Икки мамлакат етакчилари рафиқалари билан бирга рамзий тасмани кесиб, мактабни тантанали равишда очдилар.

Президентлар ўқув бинолари ва мактаб ҳудуди билан танишиб, ўқувчилар билан самимий суҳбатлашдилар, уларга ўқишда муваффақият тиладилар.

Сўнг давлат раҳбарлари Фузулий шаҳрида барпо этилаётган уй-жой мажмуасига ташриф буюрдилар. Президентлар мажмуадаги хонадон эгалари билан учрашдилар. Давлатимиз раҳбари уларни янги уйли бўлгани билан табриклади.

Самимий суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Озарбайжон халқларининг мустаҳкам дўстлиги ва қардошлик алоқалари ҳақида сўз борди.

Мамлакатимиз етакчиси Фузулийда ҳаёт барқарор ҳолатга қайтаётганидан мамнунлигини билдирди. Президент Илҳом Алиев раҳбарлигида Қорабоғни қайта тиклаш ва ривожлантириш, аҳолининг фаровон турмуши учун қулай шароитлар яратиш бўйича олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини юксак баҳолади. Озарбайжон халқига тинчлик, осойишталик ва равнақ тилади.

Давлат раҳбарлари янги хонадонларни кириб кўрдилар. Сўнг етакчилар баландликдан туриб вайронагарчилик оқибатларини ва қурилиш жараёнини кузатдилар. Президентимизга Фузулий шаҳрини қайта тиклаш режалари ҳақида маълумот берилди.

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва рафиқаси Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев ва рафиқаси ҳамроҳлигида Шуша шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

Шуша “Қорабоғ дурдонаси”, “Кавказ санъати маркази” ва “Озарбайжон мусиқаси бешиги” номлари билан маълум. Шаҳар бир қатор таниқли фан, маданият ва санъат арбоблари ватанидир.

2021 йилдан буён Шуша Озарбайжоннинг маданий пойтахти ҳисобланади, 2023 йилда эса туркий дунё маданий пойтахти деб эълон қилинган.

Жорий йилда Хива шаҳри ва Шуша шаҳри ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилди.

Олий мартабали меҳмонлар шаҳар билан танишувни 1883 йилда барпо этилган Соатли масжидидан бошладилар.

Сўнг Озарбайжон умуммиллий етакчисининг юз йиллик юбилейига бағишлаб ўтказилган “Ҳайдар Алиев ва Қорабоғ” фотокўргазмаси билан танишилди.

Шушанинг бош майдонига ташриф буюрилди. Бу ерда Озарбайжон маданиятининг атоқли арбоблари — Хуршидабону Нотавон, Булбул, Узейир Хожибейли бюстлари ўрнатилган.

Ўзбекистон томони катта қизиқиш билан шаҳар аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаб келган “Хон қизи” булоғи, Озарбайжоннинг таниқли санъат арбоби Булбулнинг уй-музейи, “Меҳмондоровлар уйи” меъморий ёдгорлиги ҳамда ўтмишда отчопарлар ўртасида мусобақалар ўтказилган машҳур Жидир текислиги билан танишдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга давлат ташрифи якунланди.

**ЎзА**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**

## ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

# ҲАР БИР ТАДБИРКОР экспортчига АЙЛАНА ОЛАДИ

## Бунинг учун нима қилиш керак?

**Тадбиркорнинг асосий мақсадларидан бири — хориж бозорларига чиқиш. Яъни маҳсулотини маҳаллий бозордан ташқари чет элга ҳам сотиш орқали кўпроқ даромад олишни кўзлайди. Аслида, шундай бўлиши ҳам керак. Чунки бу орқали нафақат тадбиркорнинг ўзи, балки мамлакат иқтисодиёти манфаат кўради.**

Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан навбатдаги очиқ мулоқотида ҳам айни масала кун тартибига қўйилди. Бизнес вакилларининг халқаро майдонда ўз ўрнини эгаллаши, ўзбек бренди остидаги маҳсулотлар чет эл бозорларига фаол кириб боришини таъминлаш учун қатор ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Муаммолар таҳлил қилиниб, аниқ ташаббуслар илгари сурилди.

**Ўзбекистон Экспортчилар уюшмаси раиси Ёрқин МАЛИКОВ** билан соҳа вакилларини қийнаб келаётган масалалар, ушбу йўналишда йўлланган мурожаатлар ҳамда уларнинг ечимлари бўйича илгари сурилган ташаббуслар, мамлакатимизнинг экспорт имкониятлари ҳақида суҳбатлашдик.

Давоми 4-бетда

## ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

# 32 ЁШЛИЛАР ЗАКОСИ

## Узод ва шиддатли, эркин ва ғолибкор

**Ёзмиш деган тушунча бор. У пешона, кўргилик, тақдир ва кечмиш ҳаёт насибаси билан боғлиқ. Ота-боболаримиз ёзмиши мустамлака даврига тўғри келди. Улар ўз Ватани ҳурлигини соғиниб яшади. Юрт озодлигини кўпи кўрди, кўпи кўрмади. Мустақиллик йилларида туғилганлар ёзмиши буткул бошқа эди. Уларнинг олди — ҳурриятга эришган йилимиз туғилган йигит-қизлар бугун 32 ёшга кирди. Улар ўз юрти яқин-яқингача мустамлака бўлганини улғайиб, китобларда ўқиб, катталарнинг ҳикояларидан эшитиб билди.**

Давоми 3-бетда



## ВАТАН ТАЯНЧИ



ЖАНГОВАР РУҲ ВА ҲАРБИЙ САЛОҲИЯТ 2

## НУҚТАИ НАЗАР



RVA ТИЗИМИ таълим муаммоларига ечим бўладими? 5

## МУЛОҲАЗА



“Беозор” жумла машаққати 6

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

# ҚАЛБИ ДАРЁДЕК ЖЎШҚИН, УММОН КАБИ КЕНГ

## Олмазорлик Ўрозгул

Амударё тумани маркази Манғит шаҳрининг Олмазор маҳалласида ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, туркман ва бошқа миллатларга мансуб салкам уч ярим мингга яқин аҳоли бир-бирига эл, қон-қариндош, аҳилликда яшаб келади. Обод, осойишта ва сўлим гўшага айланаётган ушбу маҳалла файзига файз қўшаётган 1600 дан зиёд хотин-қиз ўз оиласида, маҳаллада муносиб ҳурмат-эътибор қозонган. Уларнинг қалби дарё каби жўшқин, уммон каби кенг.



**У МАКТАБДАН ҚАЙТГАЧ, НОН ЁПАДИ, СИГИР СОҒАДИ, ТОМОРҚАСИДАГИ ИШЛАР БИЛАН ШУҒУЛЛАНАДИ. ТУРМУШ ЎРТОҒИ БИЛАН БИРГАЛИКДА БАРПО ҚИЛГАН МЎЪЖАЗГИНА БОҒИДАГИ САРХИЛ МЕВАЛАРНИ ТЕРИБ, ҚИШГА ОЗУҚА ҒАМЛАЙДИ. ХУЛЛАС, ТИНИБ-ТИНЧИМАС ОДДИЙ ҚИШЛОҚ АЁЛИНИНГ ҲАР БИР КУНИ ШУНДАЙ ЎТМОҚДА. У ЎЗИНИ ДУНЁДАГИ ЭНГ БАХТЛИ ИНСОН ДЕБ БИЛАДИ.**

Маҳалла хотин-қизлар фаоли Ўрозгул Ёқубова ушбу лавозимда фаолият бошлаганига энди бир йилдан ошди. Ишни аҳоли таркибини, хотин-қизларнинг ижтимоий аҳволини ўрганишдан бошлаган Ўрозгулнинг ён дафтарида биринчи иш кунидаёқ “муаммолар” деган саҳифа пайдо бўлди.

— Биз уйма-уй юриб, ҳар бир эҳтиёжманд хотин-қизнинг турмуш шароити билан яқиндан танишдик. Улар ҳаётига оид муаммоли ҳолатлар бешта тоифа асосида ўрганилиб, ҳар бир тоифа бўйича хатлов ўтказилди ва эҳтиёжманд аёллар рўйхати шакллантирилди, — дейди Ўрозгул. — Шарт-шароит ва имкониятга кўра “Аёллар дафтари”нинг 1-тоифасига мансуб олти нафар ишсиз хотин-қиз тадбиркорлик марказида тикувчилик йўналиши бўйича касб-ҳунарга ўргатилди ва улар ўзини ўзи банд қилиш тамойили асосида иш билан таъминланди. Шунингдек, 2 нафар хотин-қиз доимий ишга, яна 2 нафари эса бандликка кўмаклашиш маркази томонидан мавсумий ишга жалб қилинди.

“Аёллар дафтари”нинг 2-тоифасидаги Гавҳар Гулмановага ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда 33 милллион сўм имтиёзли кредит олишига кўмаклашилди ва у қисқа фурсатда ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Ушбу маҳалладаги Саодат Ёқубова эса хонадонида “Miss pishiriqlari” корхонаси фаолиятини йўлга қўйди. Ҳоким ёрдамчиси унга ҳам тадбиркорлик учун 33 миллион сўм имтиёзли кредит олишига ёрдам берди.

— Биз деярли ҳар куни иш вақтимизни хотин-қизлар орасида, уларнинг муаммоларига ечим топиш билан ўтказамиз. Маҳаллада боқувчисини йўқотган Дилором Тўраева исмли онахон истиқомат қилади. Фарзандлари, рўзғорнинг оғир ташвишидан ортмаган онахоннинг бирдан-бир орзуси — муқаддас Каъба зиёратида бўлиш эди. Президентимиз ташаббуси билан “Аёллар дафтари” рўйхатидаги Дилором опага жорий йил Рамазон ойида умра сафарига бепул бориб келиш имконияти яратилди. Бундан опанинг боши осмонда, — дейди Ўрозгул Ёқубова. — Шунингдек, 12 нафар хотин-қизга “Аёллар дафтари” жамғармаси ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт баробари миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. Дафтарнинг 4-тоифасига киритилган 16 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган хотин-қиз, шунингдек, ногиронлиги бор фарзандлари бўлган аёлларга зарур тиббий ёрдам кўрсатилиб, уларни соғломлаштириш чоралари ҳам кўрилди.

Ҳар бир инсоннинг ўз уйи, қўрғони бўлсин, деб бежиз айтишмаган. Ўз уйида саранжом-саришта, хотиржам яшашга не етсин! “Аёллар дафтари”нинг 5-тоифаси рўйхатига киритилган уй-жойга эҳтиёжманд 2 та ёш оила учун субсидия ажратиш ва уй-жой билан таъминлашга кўмаклашиш ҳам Ўрозгул Ёқубованинг доимий назоратида.

Шунингдек, қарамоғида ногирон фарзанди бўлган икки нафар аёл мономарказ томонидан тадбиркорлик йўналиши бўйича бепул ўқитилиб, сертификат берилди ва ўз уйларида тадбиркорликни бошлаши учун шароит яратилди. Бундай кўмак, қўллаб-қувватлаш уларнинг оиласига ҳам моддий, руҳий мадад бўла олди, деб бемалол айтиш мумкин.

Айни пайтда улардан бири Шаҳлохон Эсонова ўз хонадонида тикувчилик цехи очиб, маҳалланинг ёш қизларига чеварлик сирларини ўргатмоқда. Иккинчиси Зеваржон Собирова эса 15 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, хонадонида чорвачиликни йўлга қўйди ва оиласи даромадига даромад қўшмоқда.

Маҳаллада 15 нафар ибратли оила бекаларини бирлаштирган “Оқила аёллар” ҳаракати йўлга қўйилган. Ҳаракат аъзоларининг 19 нафар кўча бошилар билан ҳамкорликдаги фаолияти ҳавас ва эътирофга лойиқ. Чунки айнан ана шу ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли ўтган икки йилда маҳаллада оилавий ажрашишлар кузатилмади. Низоли, нотинч оилаларда маҳалла хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, “Оқила аёллар” жамоатчилик тузилмаси ва кўча бошиларнинг ўзаро ҳамкорликдаги ишлари туфайли соғлом маънавий муҳит қарор топишига эришилди. Натижада биронта ҳам хотин-қиз профилактик ҳисобга киритилмади.

— Ҳафтанинг ҳар пайшанбасида ўтказиладиган “Одам савдоси — аср муаммоси”, “Биз зўравонликка қаршимиз”, “Ҳуқуқ ва мажбуриятларингизни биласизми?” каби ҳуқуқий-маърифий тадбирлар, ошкора ва самимий мулоқотлар туфайли маҳалла хотин-қизларининг ижтимоий фаоллиги ошмоқда, — дейди Ўрозгул Ёқубова. — Маҳалламиз ҳудудидаги таълим-тарбия муассасалари билан ҳамкорликда амалга ошираётган ишларимизда бой ҳаётий тажрибага эга нуроний онахонларни ўз сафига бирлаштирган “Бибихоним мактаби” жамоатчилик тузилмаси жуда асқотмоқда. Йилнинг ҳар чорагида маҳалламиздаги 82-умумтаълим мактабнинг юқори синф ўқувчилари иштирокида ёш қизларни турмушга, оилавий ҳаётга тайёрлашга бағишланган “Эрта турмушнинг салбий оқибатлари”, “Оилада қиз боланинг ўрни”, “Қиз бола — бўлғуси она” мавзуларида тадбирлар ташкил этилмоқда. Шунингдек, оилаларда китобхонлик муҳитини яхшилашга қаратилган “Мен севган бадиий қаҳрамон”, “Китоб — ҳаёт чароғбони, умр зийнати” каби маънавий-маърифий тадбирлар ўсиб келаётган ёш қизлар — бўлғуси оналар ва оилаларнинг гўзал ва саришта бекаларини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этяпти.

### Бугунги қишлоқ аёли бошқача

Қишлоқ аёли ҳақида гап кетганда, аввало, қўллари қадоқ, қуёшда юзлари қорайган, эртаю кеч дала ишлари билан банд бўлган меҳнаткаш ва соддадил хотин-қизлар кўз ўнгимизда гавдаланар эди. Лекин бугун кенг дунёқараш, билим ва салоҳиятга эга қишлоқ аёллари жамиятнинг фаол қатламига айланиб, ўзининг шахсий позициясини кўрсатмоқда, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этмоқда.

Амударё туманининг Қиличбой овулида яшовчи Муқаддас Аллаберганова ана шундай аёллардан. У 1995 йили Нукус давлат педагогика институтининг филология факультетини тугатиб, Феруз Камолов билан оила қурди.

Эрта тонгдан то шомгача тиним билмайдиган Муқаддас опа 83-умумтаълим мактабида она тили ва адабиётдан дарс беради. Ҳозир таътил вақти бўлса ҳам, ўз ўқувчилари билан мушоира кечалари ташкил этиб, шогирдларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун кўмаклашишга вақт ва имкон топа олади.

Зиёли, меҳнаткаш бу муаллиманинг мўъжазгина қўғирчоқ театри ташкил қилганига нима дейсиз?! Унинг ўз қўллари билан ясаган қўғирчоқлари ёрдамида иқтидорли ўқувчилари саҳна кўринишлари тайёрлаб, мактабгача таълим ташкилотларида, оромгоҳларда болаларга намойиш этмоқда.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Муқаддас опа ёшлигидан турли нарсалар тўқиш билан шуғулланиб келган. Бугун кўплаб шогирдлар етиштириб, уларга ҳам тўқиш сирларини ўргатмоқда. Бу оддий қишлоқ аёли китоб ўқишдан, ўз билими ва тажрибасини оширишдан ҳам асло чарчамайди. Муқаддас опанинг шахсий кутубхонасида 2000 дан зиёд турли бадиий ва илмий китоблар бор.

У мактабдан қайтгач, нон ёпади, сигир соғади, томорқасидаги ишлар билан шуғулланади. Турмуш ўртоғи билан биргаликда барпо қилган мўъжазгина боғидаги сархил меваларни териб, қишга озуқа ғамлайди. Хуллас, тиниб-тинчимас оддий қишлоқ аёлининг ҳар бир куни шундай ўтмоқда. У ўзини дунёдаги энг бахтли инсон деб билади.

Дарҳақиқат, Муқаддас опа сингари кўплаб қишлоқ аёллари ҳаёт ташвишларига ўралашиб қолмасдан, юрт ривожи ва халқ фаровонлиги йўлида меҳнат қилмоқда. Уларнинг кўнгли қишлоқ кенгликлари каби кенг. Қишлоқда шаҳардаги каби шароитлар бўлмаса-да, улар асло нолимайди. Ўтаётган ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиб, бошқаларга ўрнак бўлмоқда.

### Умр мазмуни

Албатта, ҳар кимнинг умр йўли, тақдири ўзгача кечади. Муҳими, бу йўлларни шунчаки яшаб ўтиш эмас, унга мазмун кирита олишдадир. Бу мазмун эса унинг меҳнати, эзгу амаллари, мақсад сари интилишлари ҳосиласида юзага келади.

Амударёлик Фотима опа Давлетова ҳам ана шундай танловларда умрининг янги саҳифасини оча олганлардан. У ўзи танлаган йўл орқали нафақат ҳаётини яхшилай олди, балки ўзбек халқ амалий санъатини ҳам бошқаларга ўргатмоқда. Фотима опа ёшлигидан қўғирчоқлар ясаб-тикишга, зардўзлик билан шуғулланишга қизиқар эди.

Унинг бу қизиқишлари олдин шунчаки бўш вақтини бекор ўтказмасликка хизмат қилган бўлса, бугунги кунда уни машҳур ҳунарманд аёлга, барчага таниқли тадбиркорга айлантирди.

Ҳунарманд аёл нафақада бўлишига қарамасдан, асло тиним билмайди. Эртаю кеч дала ишлари билан банд бўлса ҳам ўзининг севимли ҳунари билан шуғулланишга албатта вақт топишини мамнуният билан таъкидлайди.

— Мен узоқ йиллар мактабгача таълим ташкилотида ошпаз бўлиб ишлаб, нафақага чиқдим. Шундан сўнг келин олиб, уй юмушларини унга топшириб, ўзим “Ҳунарманд” уюшмасига аъзо бўлдим, — дейди Фотима опа. — Уюшмада ўзим сингари кўплаб ҳунармандлар билан танишиб, улар билан дўст тутиндим. Ўзаро тажриба алмашиб, дунёқарашим кенгайди.

Буюк шоиримиз “Ҳунарни асрабон нетгумдир охир...” дея бежиз айтмаган. Шунинг ифодаси ўлароқ Фотима опа Давлетова ўз ҳунари сир-асрорларини бошқаларга ҳам ўргатиб, шогирдлар етиштириб келмоқда. Бугунги кунда унинг 12 нафар шогирди худди ўзи сингари халқ амалий санъати сирларини пухта эгаллаб, устози билан кўрик-танловларда фаол қатнашмоқда.

— Ҳозирги пайтда биз яратаётган ўзига хос миллий нақш ва ранглар билан жилоланган маҳсулотларимиз нафақат юртдошларимизда, балки хорижлик меҳмонларда ҳам қизиқиш ва ҳайрат уйғотишидан қувонамиз, — дейди ҳунарманд опа. — Бу эса янада изланишга, янгиликлар яратишга ундайди.

Ҳунарманд аёл бир вақтнинг ўзида кўчабоши, “Бувижонлар мактаби” аъзоси. У шеърлар ҳам ёзиб туради. Ёзганлари ҳали китоб ҳолида чиқмаган бўлса-да, маҳалладошлари орасида жуда машҳур.

Биз юқорида ҳикоя қилган оддий ва самимий қишлоқ аёллари орамизда, сафимизда. Улар эл-юрт манфаати йўлида ҳалол меҳнат қилаётганидан, кимларнингдир корига яраётганидан хурсанд. Бу мамнунликни эса уларнинг фидойи меҳнати ва эзгу ниятлари яратмоқда.

**Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири**



ВАТАН ТАЯНЧИ

# ЖАНГОВАР РУҲ ВА ҲАРБИЙ САЛОҲИЯТ



**“Ўзбекистон — 2030” стратегияси лойиҳасида жаҳонда содир бўлаётган мураккаб глобал жараёнларни инобатга олган ҳолда Қуролли Кучларимиз қудрати, мамлакатимиз мудофаа қобилияти ва ҳарбий салоҳиятини янада оширишга алоҳида урғу берилган.**

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки дунёда кечаётган глобал жараёнлар огоҳлик ва ҳушёрликни янада оширишни, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш йўлида собитқадам бўлишни тақозо этмоқда. Шу боис, Қуролли Кучлар рақамли салоҳиятини юксалтириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш борасидаги билим ва кўникмаларини ошириш долзарб вазифага айланаётир.

Бу йўналишдаги ишларни такомиллаштириш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети базасида Мудофаа вазирлиги ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти ташкил этилди.

Мазкур институт Мудофаа вазирлигининг давлат олий ҳарбий таълим муассасаси бўлиб, саккиз йўналиш бўйича тактик бўғиндаги офицер кадрлар тайёрлайди. Институтда ихтирочиликни ривожлантириш ва янги инновацион ғояларни татбиқ этиш мақсадида олтита замонавий ўқув-лаборатория фаолияти йўлга қўйилган.

Бугунги кунда Мудофаа вазирлиги раҳбарияти томонидан олий ҳарбий таълим муассасалари илмий салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, илмий тадқиқот ва изланишлар олиб бораётган ҳарбий хизматчилар, профессор-ўқитувчиларга шароит яратиб берилмоқда.

Қўшинларнинг жанговар руҳи ва салоҳиятини юксалтириш, хориждаги илғор тажрибаларни ўрганиш асосида жанговар шайлиги ва маҳоратини ошириш ҳам муҳим вазифа. Ҳозир миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш мақсадларига бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида кузатилаётган ҳарбий можаролар хусусиятларини, қўшинларни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда эътибор қаратилган.

Бу борада энг зарур қурол-аслаҳа ва анжомлар сотиб олиш, уларни янги жанговар тизимлар билан биргаликда қўллаш ва такомиллаштириб бориш доимо эътибор марказида бўлмоқда. Зеро, мудофаа саноатини тизимли ривожлантириш, учувчисиз учиш аппаратлари, зирҳли автомашиналар комплексини такомиллаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётир.

Ҳозирги кунда бу йўналишда тизимли асосда ишлар давом этяпти. Хусусан, мудофаа саноати самарали фаолият юритиши учун тегишли давлат комиссияси ташкил этилди. Мудофаа вазирлиги ҳузурида Мудофаа саноати агентлиги фаолият юритяпти.

Қуролли Кучлар ва куч тузилмалари билан ҳамкорликни кучайтириш, биргаликдаги ҳаракатлар самарадорлиги ва мувофиқлашганлик даражасини ошириш ҳамда юқори малакали ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш ҳам муҳим вазифа. Ушбу йўналишда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари тўғрисида низом тасдиқланган. Мазкур ҳужжат хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимидаги олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари мақсади ва асосий вазифаларини, таълим жараёнини ташкил этиш, шунингдек, таълим тизимини бошқариш тартибини белгилайди.

Таълим олувчиларни мутахассислик фанлари бўйича чуқурлаштирилган ва касбга йўналтирилган ҳолда ўқитиш, интеллектуал жиҳатдан камол топиши ва маънавий ривожланишини таъминлаш ҳамда юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълим муассасалари фаолиятининг мақсади ҳисобланади.

Ўтган йили ҳарбий қисмларда илк бор “Амир Темур жанговар байроғи учун” мусобақалари бўлиб ўтди. Қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш, ҳарбий анъаналарни янада мустаҳкамлаш, буюк аждодларимизга муносиб мард ва жасур, билимли ва жисмонан бақувват Ватан ҳимоячиларини тарбиялашда ушбу мусобақалар беқиёс аҳамиятга эга.

Айни вақтда ўзбек аскарлари халқаро майдонларда ўтказилаётган кўплаб нуфузли ҳарбий мусобақаларда ҳам фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Жумладан, ҳарбийларимиз халқаро армия ўйинлари, “Кембрия патрули” ва бошқа йирик ҳарбий-спорт мусобақаларида бир неча йиллардан буён салмоқли ютуқларни қўлга киритаётгани барчамизни қувонтиради.

Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича тизимли ишларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ўтган йили мамлакатимиз бўйлаб “Ватан таянчи” болалар ва ўсмирлар ҳаракати ташкил этилди. Барча умумтаълим мактабларида мазкур ҳаракатнинг 20 мингдан зиёд ўқувчи-ёшни қамраб олган гуруҳлари тузилгани фарзандларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидлаш лозим.

Қуролли Кучлар академияси ислоҳ қилиниб, келгусида унинг ҳарбий илм-фан соҳаси локомотивига айланиши учун мустаҳкам замин яратилди. Олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳам янгича ёндашув ва ўқув услублари жорий этилмоқда.

Ўзбекистон Қуролли Кучларининг қудрати, мамлакатнинг мудофаа қобилияти ва ҳарбий салоҳиятини янада ошириш борасида муҳим чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этиляпти. “Ўзбекистон – 2030” стратегияси лойиҳасида бу жабҳадаги ишларни янада янги, юқори босқичга кўтариш билан боғлиқ муҳим чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Уларни ўз вақтида амалга ошириш халқимиз хавфсизлиги, тинчлиги ва осойишталигини сақлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, бу йўналишдаги қизғин ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг рўёбга чиқишига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Зеро, фақат тинчлик-осойишталик орқалигина кўзлаган эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришга, мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлашга эришамиз.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

**Қутбиддин БУРҲОНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси**

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

# 32 ЁШЛИЛАР ЗАКОСИ

## У озод ва шиддатли, эркин ва ғолибкор

Бошланиши 1-бетда

Шу боис, бу ёшларимизнинг закоси озод ва шиддатли, эркин ва ғолибкор бўлиб улғайди ва яна камолотга етмоқда. Уларнинг дунёқараши, Ватанга дахлдорлик ҳисси буткул бошқача. Мустақиллик тенгдошлари Ўзбекистон деган юртни фақат ўзиники деб билади. Бу юртнинг бугуни ҳам, эртаси ҳам фақат бизники эканига ишонади. Тарихдаги мудҳиш хатолардан хулоса қилиб, ҳаётга завқ билан қарайди, умид ва ишонч билан яшайди.

Қуйида мустақиллигимиз билан тенгдош бўлган ана шундай истеъдодли, ватанпарвар йигит-қизларимиз ўй-хаёллари, орзу-умидлари билан танишасиз.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

## АСОСИЙ ЖАРРОҲ СИФАТИДА 400 ГА ЯҚИН ЮРАК ОПЕРАЦИЯСИДА ИШТИРОК ЭТДИМ

**Эришаман, деб ўз олдига қатъий мақсад қўйган одамнинг нияти агар ҳаракат қилса, албатта, амалга ошар экан. Эсимни таниганимдан буён касб танлаш борасида менга ягона танлов бўлган. Шифокор бўлишни орзу қилганман. Онам Тошкент педиатрия тиббиёт институтида биологиядан дарс берар эди. Кўпинча аудиториядаги машғулотларда мен ҳам ўтирар, мавзуларга қулоқ солар, оқ халатли талабаларга ҳавасим келарди. Эҳтимол, бу қизиқиш ўша паллада уйғонгандир.**



**Бобур ТЎРАЕВ,
Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси кардиожарроҳи**

Негадир “Ким бўлсам экан?” мавзусида гап очилса, ҳеч иккиланмай, “Мен юрак доктори бўламан, юраги касал болаларни даволайман”, дердим. Тасаввуримда “юрак доктори” шифокорлар ичида энг зўри эди. Бу орзу бора-бора қатъий мақсадга айланди.

8-синфда ўқиётган кезларимиз мактабимиз капитал таъмирдан чиқарилди. Шу баҳона ўқув-лаборатория жиҳозлари келтирилди. Кимё ва биология фанларидан амалий машғулотлар ўтказа бошладик. Фанга меҳрим, амалий машқларга қизиқишим туфайли устозларим мени ўзига ёрдамчи қилиб олганди. Бундан ташқари, биология фанидан ўтказиладиган олимпиадаларда ҳам фаол эдим.

Академик лицейдаги даврим ҳам ўқиш шиддати билан кечди. Футболни яхши кўрганим учун дўстларим ўйинга чақириб келар, мен вақтимни қизғаниб стадионга бормасдим. Институтга кириб олсам, вақтим бемалол бўлади, истаганча футбол ўйнайвераман, деб ўйлардим.

Уч йиллик меҳнатим бесамар кетмади. Кимё ва биология фанларидан натижам деярли 100 фоиз чиқди ва Тошкент педиатрия тиббиёт институтига 2-ўринда қабул қилиндим. Кўп ўтмай билдимки, тиббиёт институтида таълим олиш жуда қийин ва масъулиятли экан.

Институтда бизга Ибн Сино номидаги давлат стипендияси совриндори кимёдан дарс ўтган. Ўша устозимизга ҳавас қилиб, мен ҳам шу стипендия эгаси бўламан, деб ҳаракат бошлаганман. 6-курсга ўтгач, шу орзумга ҳам эришдим. Тўғри, бу осон бўлмади. Ўқишдан ташқари тезис ва мақолалар ёздим. Халқаро анжуманларда фаол иштирок этдим.

Магистратурага ўтгач, ўша пайтдаги “Истеъдод” жамғармаси танловида ғолиб бўлиб, ўқишни Лондондаги университетда давом эттирдим. Британияга кўникишим осон бўлмаган. Ватанимни соғинаверганман. Ҳатто 10-15 кун ўтгач, “Нега келдим, ўзи яхши ўқиб юрувдим”, деб афсус ҳам қилганимни ҳозир кулиб эслайман. Мусофирликда ватанпарварлик ҳисси жўшқин бўлар экан. Юртнинг ҳар қарич ерини қўмсар экансиз. Хонам деворига катта қилиб байроғимизни осиб қўйган эдим. Кўзим тушса, ҳовурим босилади, деганман.

Университетнинг контракт тўлови жуда қиммат, ўз хоҳишим билан истасам ҳам у ерга бориб ўқий олмасдим. Давлатимиз менга шу имкониятни берди ва келажак учун режалар туза бошладим. Турли маданият, турли фикрлар, интилишлар... Бу дунёқарашимни ўзгартирди.

Университетимизнинг Great Ormond Street Hospital деган клиникаси бўларди. Бўш вақт топдим дегунча, кардиожарроҳлик бўлимига борардим. Жараёнларни кузатар, билмаган нарсаларимни сўрар, қўйингки, профессорлар ёнида юравердим.

2019 йил сентябрь ойида университетни муваффақиятли битирдим. Ватанимизга қайтган кунимнинг эртасигаёқ ариза ёзиб, Тошкент педиатрия институти клиникасида кардиожарроҳ сифатида фаолиятимни бошладим. Шу кунга қадар асосий жарроҳ сифатида 400 га яқин юрак операциясида иштирок этганман.

Кўп ўтмай, бутун дунёда коронавирус пандемияси бошланди. Бу фаолиятимизга ҳам таъсир кўрсатмай қолмади. Режали операцияларни қолдиришга мажбур бўлдик. Уйда ўтириб, беморларга, халқимизга қандай ёрдам беришим мумкинлиги ҳақида ўйлардим. “You Tube”да канал очиб, беморлар томонидан бериладиган энг кўп саволларга жавоб тариқасида видеолар тайёрлаб жойлай бошладим. Ўша пайтлари ўзбек тилида туғма юрак нуқсонли болалар парвариши бўйича видеоконтентлар йўқ эди ҳисоби. Карантин енгиллашиб, одатдаги иш тартибимизга қайтгач ҳам бу ишни давом эттирдим.

Охирги уч йил давомида соҳамиздаги асосий муаммо бўлиб келаётган мураккаб туғма нуқсонли болалардаги жарроҳлик муолажалари, кичик ёшдаги болаларда, чақалоқларда муолажаларни секин-аста жамоамиз билан йўлга қўя бошладик. Бунинг учун клиникамизда шароитлар яратиб берилди.

Германиянинг Мюнхен, Япониянинг Окаямо шаҳарларида болалар кардиожарроҳлиги бўйича амалиёт ўтаб келдим. Мураккаб операцияларни энди четга чиқмай ҳам ўзимизда амалга ошира бошладик. Уч-тўрт йил илгари шароит йўқлиги туфайли бемор боласини бағрига босганча ноилож эшигимиздан қайтган ота-оналарни бугун ҳам ўйласам қийналаман. Шароити борлари Ҳиндистон, Жанубий Корея ёки Россияга бориб фарзандини операция қилдириб келди. Шароити йўқлар-чи? Худога шукр, бугун бундай операциялар ўзимизда бемалол амалга оширила бошлади. Муолажаларни муваффақиятли ўтказяпмиз. Бунинг ортидан четга чиқаётган беморлар сони кескин камайди, қолаверса, қўшни давлатлар — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистондан даволаниш учун бизга келишяпти.

Талабалик йилларимдан биологиядан халқаро фан олимпиадаларида ментор таржимон сифатида қатнашганман. 2015 йилдан бошлаб Ўзбекистон жамоаси таркибида таржимон сифатида қатнашиб келаман. Бу йил ҳам БААда ўтказилган олимпиадада иштирок этдик. Мактаб ва лицей ўқувчилари ўртасидаги мазкур билимлар мусобақасида жамоамиз йилдан-йилга қувонарли натижа кўрсатяпти. Таълим тизимидаги бу арзимас меҳнатим 2021 йил Халқ таълими вазирлиги томонидан юксак баҳоланиб, “Халқ таълими аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирландим.

Болалигимизда кўп тенгдошларим илмга эмас, касбга йўналтирилган. Бу яхши. Ота-оналаримиз касб-ҳунар ўрганиб, тезроқ оилага ёрдами тегсин деган. Бироқ тараққиётга илм орқали эришишнинг ўз завқи, масъулияти бор. Ёшларни илм олишга рағбатлантириш, илмий кадрлар салоҳиятини оширишга эътибор қаратилгани замирида катта маъно бор. Илмий потенциал шаклланса, Ўзбекистон тараққий этган давлатлар орасида ўз ўрнини янада мустаҳкамлайди. Бугунги имижи кўтарилади.

Ёшим 32 да. Ватанимиз мустақил бўлган йили туғилганман. Шунданми, менда Ватанимиз тараққиёти билан қадам-бақадам юриш, миллий тараққиётимизга ҳисса қўшиш масъулияти бор. Ўз олдимга катта мақсадларни қўйганман. Улардан бири Ўзбекистонда топиш мушкул бўлган болалар кардиожарроҳлиги бўйича адабиётлар яратиш. Ҳозир илмий фаолиятимга ёндош бу дарсликлар устида ҳам ишлаяпман.

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ШАБАДАСИ ДУБАЙДА ҲАМ ЭСЯПТИ

**Зафар НОРМУРОДОВ,
БААдаги “Aqua Properties Company” мутахассиси**

**Салкам беш йилдан буён Бирлашган Араб Амирликларида кўчмас мулк савдосида фаолият юритаман. Халқимизда “Қуш уясида кўрганини қилади” деган мақол бор. Инсон қандай муҳитда улғайса, ўша муҳит уни тарбиялайди, келажагини яратади. Болалигимдан бизнес, тадбиркорлик соҳасига қизиқаман. Ота-онам Термиз шаҳрида тадбиркорлик билан шуғулланган. У пайтлар ҳали бугунгидай тадбиркорларга эътибор йўқ, ўзлари ҳаракат қилиб, дўкон юритган. Шунинг ортидан бизни ўқитган, оёққа қўйган.**



Бугун вазият тамоман бошқа. Президентимизнинг тадбиркорлар билан анъанавий очиқ мулоқотини кузатарканман, юртимиздаги тадбиркорларга, хусусан, ёшларга берилаётган имтиёзларни эшитиб, хурсанд бўлдим. Астойдил меҳнат қилган, юрт равнақига ҳисса қўшган ёшларни давлатимиз мукофотлаяпти. Бу имкониятлар туфайли мамлакатимиз ривожланган давлатлар билан рақобатга киришяпти. Дунёда янги Ўзбекистон имижи пайдо бўлди.

Бизнинг вақтимиз деярли бозорда ўтса ҳам ота-онамиз таълим олишимизни жиддий назорат қилган. Мактабни аълога битирдим. Отамнинг асл касби педагог, бироқ саломатлигидаги муаммо сабаб мактабда ишламай қўйган. Рўзғор тебратиш учун бозорда иш бошлаган. Уйга кеч қайтардик. Илк ижтимоий мулоқотни ҳам бозорда ўрганганмиз.

Ўқувчи эдим. Термизга сайёҳлар кўп келарди. У пайтлар ҳозиргидек ўқувчиларнинг 1-синфдан бошлаб инглиз тилини ўрганиши қаерда дейсиз?! Сайёҳлар, асосан, инглиз тилида гапирар, мен эса “қанийди тил билсам-у, меҳмонлар билан суҳбатлашсам”, деб орзу қилардим. Ҳозир ўйласам, аслида, чет тилни билиш тижорат соҳасида муваффақиятга эришишнинг бир калити экан. Шу орзу ортидан эргашиб, инглиз тилидан қўшимча дарсларга қатнадим. Сўнг таълимни Термиз давлат университетида хорижий филология факультетида давом эттирдим.

Ўқувчилик йилларим бозорда стол қўйиб, писта, қурт каби майда-чуйдалар сотган бўлсам, талабалик йилларим хорижий тилларни ўқитишга асосланган ўқув маркази очдим... Ошхона юритдим.

Университетни битиргач ҳам бизнесда ўз йўлимни топиш, катта-катта лойиҳалар қилиш илинжида юрдим. Бироқ йўл очилмади. Юртимизда эндиэнди ислоҳотлар бошланган пайтда хорижга кетдим.

Насиба экан, шу ерда тадбиркорлик билан бандман. Ўзбекистонда кўчмас мулк савдоси билан шуғулланмаганман. Бироқ савдо-сотиқни тушунишим, болалигимдаги босқичма-босқич даромад қилишга уринишларим бесамар кетмади.

Қолаверса, бу соҳа юртимизда энди ривожланяпти, фирмалар, компаниялар фаолият юрита бошлади. 5-6 йил илгари бу иш билан, асосан, маклерлар шуғулланарди.

Ўзбекистондаги ўзгаришлар, ислоҳотларнинг шабадаси Дубайда ҳам эсяпти. Нега бундай деяпман? Чунки давлатимизнинг хориждаги ватандошларга ғамхўрлиги ва эътиборини мамлакат ташқарисидаги мусофир юртдошларимиз кўриб, ҳис қилиб турибди. Исталган пайт ватанга бориб-келамиз. “Ватандошлар” жамоат фонди билан доимий алоқадамиз. Фонд ҳар хил викториналар, лойиҳалар қиляпти, ғолибларни юртимизга таклиф қилиб, саёҳатлар ташкил этяпти. Ҳатто оғир аҳволда қолган юртдошларимизни топиб, маънавий, психологик ёрдам беряпти. Ҳафтада бир кун таниқли имомлар, профессор-олимлар, психологлар билан видеомулоқотлар ташкил қиляпти. Манзил ташланади, истаган ҳар бир ватандош кириб мулоқотда иштирок этиши мумкин.

Аслида, Ўзбекистонда туриб хориждаги фуқаролар ҳолини ўйлаш, ёрдам бериш, руҳлантириш катта ислоҳот. Бизнинг ортимизда Ватанимиз турибди, деган ишонч катта мотивациядир.

Янги Ўзбекистон хориждаги ватандошлар ҳуқуқларини тўлиқ ҳимояляпти. Консуллик нима ёрдам сўрасак, кўмак қўлини чўзади, маслаҳат беради.

Мақсадларим кўп. Бугун хорижда тажриба орттирган ҳамюртларимиз Ватанга қайтса, давлатимиз қучоқ очиб кутиб оляпти. Мен ҳам ўз тажрибаларим билан юртимизга қайтиб, шу йўналишда тадбиркорлик фаолияти юритмоқчиман.

## ТАБИАТ КУЧИ ВА ЯҚИНЛАР КЎМАГИ БИЛАН

**Аёл кишининг жамиятда ўз ўрнини топишида оиланинг, давлатнинг қўллаб-қувватлови муҳим. Шароит яратиб берилган муҳитда, унинг кичкина ютуғи эътироф этилган жойда ҳар бир хотин-қиз муваффақият қозониши бор гап.**



**Барнохон ОРТИҚХЎЖАЕВА,
“Шуҳрат” медали соҳиби**

Етти йил мактаб таълимига қўшимча мусиқа ва санъат мактабининг фортепиано синфида таълим олганман. Рақс, шахмат, дизайнер... Вақтимиз тақсимланган эди. Отам тилшунос, онам шифокор — ҳар иккиси илм билан машғул, бизни ана шу муҳит улғайтирди.

Ота-онам мени илм йўлида қандай қўллаб-қувватлаган бўлса, турмуш қургач ҳам шу муҳитга тушдим. Тўғри, аёлларга ҳеч қачон осон бўлмайди, бироқ табиат уларга куч ҳам берган. Англадимки, аёллар бир неча сферани баравар ушлаб туришга ҳаракат қилади. Оила, ўқиш, иш, шахсий қизиқишлар... Мақсад аниқ бўлса, ёнингизда ҳамроҳингиз бўлса, бу ҳамроҳ ҳатто фарзандингиз бўлиши ҳам мумкин, мақсадга етиш осон.

Она томондан аждодларимиз шифокорлар бўлиб, шу муҳит ичида улғайдим. Шифокорликка қизиқмасам-да, ёшлигимдан саратон касаллигига қарши дори ишлаб чиқараман, дердим. Янги дори-дармон ишлаб чиқараман, соҳани ривожлантиришга ҳисса қўшаман, дея орзу қилардим.

Йўналишим — биотехнология. Тошкент кимё-технология институтида таълим олдим. Ўқишимизда таълим амалиёт билан уйғун олиб борилади. Озиқ-овқат технологияси ҳақида билимга эга бўлишимиз учун ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган корхоналарда, маҳсулотни нолдан бошлаб тайёрлаш жараёнида иштирок этганмиз. 2-курсга ўтгач, биотехнологик лабораторияга амалиёт ўташ учун борганман. Шу қадам ҳаётимда бурилиш ясади.

Микробиология бугун чиндан ривожланяпти. Келажакдаги муаммолар учун ечимлар таклиф қиляпти. Ҳукуматимиз томонидан эътибор беріляпти. Соҳа очарчилик, ичимлик сув ва об-ҳаво муаммосининг ечимида ҳам ёрдам беради. Бироқ айрим масалалар борки, соҳа тараққиётига йўл бермаётган эди. Масалан, баъзи олий таълим муассасалари лабораторияларида машғулотлар учун шароит етарли эмас эди. Аста-секин бу муаммолар ҳал этиляпти.

Талабалик даврида турмуш қурдим, ўғлимиз туғилди. У шўх бўлгани боис, кўча-кўйда кўп йиқилар, табиийки, енгил жароҳатлар оларди. Шундай пайтларда ёнингизда доим ҳам спирт ва пахта бўлмайди. Қолаверса, спирт билан ярага ишлов берилса, ачиштиради. Бола азобланади. Шундай универсал маҳсулот бўлса-ю, шу масала муаммосиз ҳал этилса, деб ўйлардим. Бу орзум ҳам рўёбга чиқди: “LiPach” лойиҳа шу тарзда амалга ошди. Жароҳатларнинг тез битиши ва турли ноқулайликларнинг олдини олиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқара бошладик. Маҳсулотимиз аёлларнинг тирноғига суриладиган бўёқ идишига ўхшаш идишларда бўлиб, олиб юришга жуда қулай.

Суюқ пластир қонни дарҳол тўхтатиб, ярали жойда 2-3 сония ичида юпқа шаффоф парда ҳосил қилади. Бу парда ярани ҳимояловчи восита сифатида бир-икки кун туриши мумкин. Муҳими, маҳсулот сув ўтказмайди, ҳатто ишқаласангиз ҳам кетмайди.

Бундан ташқари, лойиҳамиз устида қайта изланишлар олиб бордик. Жамоамиз билан теридаги қадоққа қарши қўлланиладиган суюқлик ишлаб чиқаришга эришдик. Биласиз, янги пойабзал оёқларда оғриқли қадоқ ҳосил қилиши мумкин. Иш ёки кўча-кўйда бундай ноқулай ҳолда юриш оёққа оғриқ беради. Ишланманинг таркибий тузилиши шу қадар аъло даражадаки, уни қадоққа сурганингиздан сўнг 2 дақиқа ичида оёқ кийимни кийиб, бемалол ишга киришиб кетиш мумкин.

Маҳсулотимиз ишлаб чиқарила бошлагандан сўнг турли кўргазмаларда қатнашдик. Бир компания лойиҳамизга харидор бўлди. Улар ҳам шу йўналишда маҳсулот ишлаб чиқарар экан, лекин айнан бизникидай таъсири самарали эмас. Инвестор сифатида бизга маблағ тикди, бироқ лойиҳа ҳали давом этаётгани учун биз таклифни вақтинча рад этдик.

2018 йилдан ижтимоий лойиҳаларга қизиқиб қолдим. Иккинчи мутахассисликда социология бўйича ўқияпман. Халқаро ташкилотларнинг қишлоқ ва сув хўжалиги, экология, таълим, илм-фан бўйича лойиҳаларида мунтазам қатнашаман. Айни пайтда Жаҳон банки лойиҳасида маслаҳатчиман. Лойиҳамиз сув танқислиги муаммосини ҳал этишга қаратилган. Фарғона водийсида аҳоли билан ишлаб, аниқланган муаммоларга ечим таклиф қиламиз. Икки соҳа вакили сифатида одамларга кўмак кўрсата олганимдан ҳамиша қувонаман.

Яна бир йирик лойиҳамиз — “Анжир”. Репродуктив саломатлик, оила ва фарзанд тарбияси билан шуғулланадиган, жинсий тарбияга оид лойиҳа. Шифокор, психологларимиз бор. Аноним тарзда хотин-қизларга бепул маслаҳат берамиз. Эътибор берсак, бизда кўпинча жинсий тарбияга уят сифатида қаралади. Кўплаб қизларимиз саволларига кимдан жавоб олишни билмайди. “Анжир” ёшларнинг савол ва мурожаатларини тинглайди ҳамда батафсил жавоб йўллайди. Бундан ташқари, аҳоли психологияси, гиёҳвандлик ва тамаки маҳсулотларига қарши курашиш каби масалаларга эътибор қаратамиз.

Бугун хотин-қизларга қаратилаётган эътибордан самарали фойдаланиш вақти. Рағбатлар бесамар кетмаслиги учун ҳаракат қилишимиз лозим.



**Саҳифани "Янги Ўзбекистон" мухбири Башорат ЮНУСОВА тайёрлади.**



## ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

# ҲАР БИР ТАДБИРКОР экспортчига АЙЛАНА ОЛАДИ

## Бунинг учун нима қилиш керак?

**Экспортдаги яна бир масала бизда халқаро аккредитациядан ўтган лабораторияларнинг йўқлиги. Шу сабабли кўп турдаги маҳсулотларимиз хорижга чиқа олмаяпти. Мисол учун, Кореяга асал экспорт қилмоқчимиз, лекин уларнинг рўйхатидан ўтган лаборатория бизда йўқлиги учун, маҳсулот сифатини текшириб, уларнинг мамлакатига олиб кира олмаяпмиз.**

Бошланиши 1-бетда

— Жаҳон тажрибасидан маълумки, бизнес вакилларига қанча кўп имконият берилса, эркин фаолияти учун шароитлар яратилса, давлат иқтисодиёти шунча ривожланиб боради, — дея фикрини бошлади Ёркин Маликов. — Бу рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат ва охирги йилларда юртимизда ана шундай жараён кечмоқда. Яъни тадбиркорларни фаол қўллаб-қувватлашнинг миллий ва халқаро талаблар даражасидаги тизими яратилдики, бунинг натижасида қулай бизнес муҳити шаклланганига гувоҳ бўляпмиз.

Тадбиркорлар билан анъанавий тарзда ўтказилаётган очиқ мулоқот ҳам ўзига хос тажриба, жаҳонда муқобили йўқ ҳаракатга айланди. Бизнес вакиллари мурожаатлар орқали юрагида турган дардларини давлат раҳбарига айтяпти, таклифларини билдириб, янги ташаббусларни илгари суряпти. Бу жуда катта имконият. Масалан, ўтган йили тадбиркорлар томонидан 13 мингдан ортиқ мурожаат йўлланган бўлса, бу йил 6 мингта мурожаат келиб тушган. Аввалги йилларда аксарият мурожаатлар банк, кредит масалалари билан боғлиқ эканини кузатганмиз. Жорий йилда эса тадбиркорларни кўпроқ солиқ тизимидаги муаммолар қийнаётгани кўзга ташланди. Давлатимиз раҳбари ҳам шунга катта эътибор бериб, қўшилган қиймат занжиридаги тартибни соддалаштириб, муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифларни билдирди.

Ҳар гал мулоқотда илгари сурилган ташаббуслар жадаллик билан ҳаётга татбиқ этилаётгани бизнес вакилларига катта кўмак беряпти. Айнан экспорт йўналиши ҳақида гапирадиган бўлсам, мулоқотлардан кейин берилган имтиёзлар натижасида охирги икки йилда корхоналаримиз томонидан 25 миллиард долларлик маҳсулот хорижга чиқарилган. Жорий йилнинг иккинчи чорагида эса экспортимиз кўлами ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 27 фоизга ўсгани кузатилди. Биргина божхона ҳудудида қайта ишлаш тизими соддалаштирилгани натижасида мазкур хизматдан фойдаланувчи тадбиркорлар сони 2 баробар кўпайган. Бир йил ичида ушбу имконият орқали 455 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиниб, шу тариқа 110 миллион долларлик қўшимча қиймат яратилган. Бу кескинлашаётган геосиёсий вазиятларга қарамай, маҳаллий экспортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш кўлами кенгайиб бораётгани маҳсули.

Тўғри, маҳсулотни хорижга экспорт қилиш осон эмас. Аммо аввалги йиллар билан солиштирганда ҳозир бу анча соддалашган. Асосийси, нафақат йирик, балки кичик корхоналар ҳам бунинг уддасидан чиқяпти. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, ўтган йили мамлакатимизда



экспорт ҳажми 19,3 миллиард долларни ташкил қилган бўлса, шундан 13 миллиард доллардан ортиғи кичик ва ўрта бизнесда фаолият юритаётган тадбиркорлар томонидан амалга оширилган.

Бу Ўзбекистондан хориж бозорларига чиқарилаётган маҳсулотлар сони ошиб бораётганидан ҳам далолат беради. Шунга мос равишда мамлакатимизнинг экспорт географияси ҳам кенгаймоқда. Маҳсулотларимиз доимий бозорлардан ташқари, янги манзиллар, Европа давлатларига чиқяпти. Халқаро ҳамкорликдаги алоқалар, хориж давлатлари билан дўстона муносабатлар бунга йўл очмоқда. Ўтган йили Ўзбекистоннинг экспорт географияси 120 та давлатни ташкил этган бўлса, жорий йилда бу рақам 160 дан ошгани бунинг исботи.

**— Экспортчиларга давлат томонидан берилаётган имтиёзлар ҳақида гапирдингиз. Келинг, буни амалий мисоллар билан таҳлил қилсак. Экспортчи тадбиркор бугун қанчалик давлатга суяна олади?**

— Агар тадбиркорлар экспорт йўналишида берилаётган барча имтиёзлардан хабардор бўлиб, уларни фаолиятида қўллай олса, жуда катта қулайликларни кўради. Афсуски, кўпинча бизнес вакилларининг бундан хабари бўлмайди, иш жараёнида айримлари қизиқиб ҳам кўрмайди. Шу боис, имтиёзлар фақат гапда, дейдиганлар ҳам топилади.

Ваҳоланки, экспортчи тадбиркорларга йўл ҳақи, транспорт харажатларини субсидия асосида қоплаб бериш, маълум давлатга экспорт қилаётганда гувоҳнома, сертификатларни олишдаги харажатларнинг катта қисмини давлат тўлаб бериши каби бир қатор имкониятлар мавжуд. Масалан, ипак, озиқ-овқат ва бошқа қатор маҳсулотлар экспорт қилинганда давлат томонидан транспорт харажатлари 70 фоизгача қоплаб берилади. Субсидия бериладиган маҳсулотлар рўйхати тобора кенгайиб боряпти. Яқинда мош унини ана шу рўйхатга киритиш бўйича ҳам ариза бердик. Боиси, тадбиркорларимиз шундай маҳсулот ишлаб чиқаряпти ва Кореядан харидорлар чиқиб, 22 миллион долларлик шартнома имзоланди. Аммо улар йўлкира харажатлари анча қимматга тушишини айтишди. Агар мош унини ҳам субсидия бериладиган маҳсулотлар қаторига киритсак, экспорт қилишда катта маблағ тежаб қолинади.

Яна бир масала, Европа давлатларига маҳсулот экспорт қилинганда, халқаро аккредитациядан ўтган лабораторияларга намуналар берилади. Бу ҳам катта харажат талаб қилади. Ҳозир ушбу харажатларнинг ҳам бир қисмини давлат тўлаб беряпти. Тадбиркор бирор чет давлатга бориб, кўргазмада иштирок этадиган бўлса, кўргазма павильонларига тўланадиган маблағнинг бир қисми Экспортни ривожлантириш агентлиги томонидан қопланяпти. Бошқа давлатларда қилинадиган реклама харажатлари учун ҳам давлат белгиланган тартибда пул тўлайди.

Ёки яна бир мисол, бошқа давлатда савдо уйи очиш учун олинган бинонинг 50 фоизи давлат ҳисобидан қопланяпти. Ҳатто савдо уйи учун олинадиган омборхонанинг ҳам 50 фоизини давлат тўлаб беради. Қаранг, экспортчи тадбиркорлар учун қанча имконият мавжуд. Агар буни реал суммаларда таҳлил қилсангиз, бизнес вакили тежаб қолаётган харажатлар кўлами яққолроқ намоён бўлади.

Бу биргина йўналишдаги имтиёзлар, холос. Соҳанинг деярли ҳар бир тармоғида ишбилармонларга шундай имкониятлар назарда тутилган. Уларни ўрганиб бориш, фойдалана билиш бизнес вакилларининг



**Соҳани янада ривожлантириш учун кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Боиси, кўп тадбиркорларнинг экспортда уқуви йўқлиги, уларга аниқ амалий ёрдам кўрсатадиган бўлимлар мавжуд эмаслиги қийнайди. Бундай бўлимларни ташкил этиш учун эса кадрлар етишмайди.**



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОDНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ўзига ҳам боғлиқ. Яъни бугунги тадбиркор кўпроқ ўз устида ишлаб, жуда фаол бўлиши кераклигини замон талаб қиляпти. Бунга икки хил назар билан қарасак бўлади. Аввало, ҳозир рақобат жуда кучли ва тадбиркор доим ҳушёр бўлиб, бошқалардан икки қадам олдинда юрсагина, ютуққа эришади. Бошқа томондан, ҳозирги тадбиркор иш юритиш, бирор маҳсулотни ишлаб чиқаришга илм билан ёндашиши керак бўляпти. Кўр-кўрона иш бошлаш билан олдинга юролмайди.

**— Бу жараёнда Ўзбекистон Экспортчилар уюшмасининг ўрни ва роли қандай? Яъни тадбиркорлар уюшма кўмагини қанчалик сезишмоқда?**

— Бугунги кунда уюшмамиз давлат ва тадбиркор ўртасидаги воситалачилардан бири, десак хато бўлмайди. Фаолиятимизнинг асосий йўналиши экспортчи ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш, юртимизда уларга берилаётган имтиёзлардан фойдаланишларида ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан кўмаклашиш, янги бозорларни очиш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишга ҳисса қўшишдан иборат. Шу мақсадда уюшма 4 мингдан ортиқ маҳаллий экспортчини бирлаштириб, доимий мулоқотни йўлга қўйган. Уларнинг орасида деярли барча тармоқ тадбиркорлари бор.

Тадбиркорларимиз етиштирган, ишлаб чиқараётган маҳсулотлар учун муқим бозорлар топишга ҳаракат қиляпмиз. Турли давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатганмиз. Мунтазам тарзда янги бозорлар излаймиз. Сўнгги вақтларда араб давлатларига чиқишни бошладик. Қолаверса, Миср орқали Африка давлатларига кириб боришга интиляпмиз. Боиси, Африка давлатларида 1 миллиарддан ошиқ аҳоли бор, бу жуда катта бозор, дегани. Ушбу давлатларда хизмат сафарида бўлганимизда, юртимизда ишлаб чиқарилаётган қурилиш моллари, қуритилган мева-сабзавотлар, ипак толадан тайёрланган маҳсулотларимизга катта қизиқиш билдирилаётганини кўриб, кузатдик.

Ўзбекистонда экспортбоп товарлар жуда кўп. Фақат уларни кўпроқ давлатга намойиш эта олишимиз керак. Бу борада доимий тарзда ўтказиб келинаётган халқаро кўргазма, форумларнинг алоҳида ўрни бор. Булар бирданига натижа бермаса ҳам, пойдевор қўйиб борилади, янги ҳамкорликларга асос бўлади, катта шартномаларга йўл очади. Асосийси, бу тадбирлар тадбиркорларнинг ўз маҳсулотини хорижликларга намойиш этишида катта майдон бўлиб хизмат қилади. Масалан, Экспортчилар уюшмаси томонидан 2020 йил бошида юртимиз тарихида биринчи марта ўтказилган Ўзбекистон — Афғонистон бизнес форумини олайлик. Ўшанда 300-400 турдаги маҳсулот кўргазмасини ўтказганмиз. Афғонлар Ўзбекистонда шундай маҳсулотлар ишлаб чиқариляптими, деб ҳайратда қолган. Бу кейинги йилларда ўз натижасини бера бошлади. Афғонистонга қандолат, макарон, сақич маҳсулотларимизнинг катта миқдордаги экспорти йўлга қўйилди. Бундан, албатта, тадбиркорларимиз манфаат кўряпти.

Хориж давлатларида Ўзбекистоннинг савдо уйларини очиш ҳам йил сайин кенгайиб боряпти. Ҳозир Қозоғистон, Тожикистон, АҚШ, Германия каби қатор давлатларда савдо уйларимиз бор. Қирғизистонда бунинг учун катта бино қурилиши бошланган. Ҳатто, тадбиркорларимизнинг ўзлари барча талабларга риоя қилган ҳолда, давлатимиз томонидан берилаётган субсидиялардан фойдаланиб бошқа давлатларда савдо уйларини очмоқда. Ўша ерда ўз маҳсулотларини сотиш орқали, экспорт ҳажмини оширяпти. Бунда уларга бошқа имтиёзлар ҳам бор. Яъни тадбиркор ҳужжатларни расмийлаштираётганда маҳсулоти савдо уйларига чиқарилаётганини киритса, божхона тўловларини маҳсулот сотилгандан кейин тўлаш имкониятига эга бўлади. Агар маҳсулотнинг муддати ўтиб кетса, ҳеч қандай тўловсиз Ўзбекистонга қайтариши ҳам мумкин. Бу ҳам тадбиркорга анча қулайлик беради.

**— Экспорт борасида муаммолар ҳам ҳали етарлича экани сир эмас. Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан навбатдаги очиқ мулоқоти олдидан уюшма ва унинг аъзолари қандай масалаларни ўртага ташлади?**

— Экспортчилардан келиб тушган мурожаатлар асосида бир қанча таклифларни тайёрладик. Шулардан энг каттаси солиқ бўйича эътирозлар эди. Гувоҳи бўлганимиздек, давлатимиз раҳбари томонидан бу борада аниқ ташаббуслар айтилди. Логистика борасидаги муаммолар ҳам бирин-кетин ечилмоқда. Энг мақбул вариантлар кўрилиб, амалиётга жорий этиляпти.

Ўзбекистоннинг хориж давлатларидаги элчихоналарида юртимизда етиштирилган ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг миллий павильонини ташкил этиш таклифини ҳам бердик. Уларда маҳсулотларимиз намуналари қўйилса, тадбиркорларга анча қулай бўлади. Масалан, ҳозирги кунда араб давлатлари қандолат маҳсулотларимизга катта қизиқиш билдиряпти. Бир тадбиркоримиз Саудия Арабистонига бир неча маротаба ўз маҳсулоти намуналарини жўнатди. Икки килограмм маҳсулотни халқаро почта орқали Саудия Арабистонига жўнатиш 500-600 долларгача тушяпти. Тасаввур қилинг, ўнта мижозга 2 килограммдан маҳсулот жўнатиш қанчага тушади? Агар шу маҳсулотлар элчихоналаримизда турса, хорижликлар бориб, бемалол намуналар билан таниша олади.

Экспортдаги яна бир масала бизда халқаро аккредитациядан ўтган лабораторияларнинг йўқлиги. Шу сабабли кўп турдаги маҳсулотларимиз хорижга чиқа олмаяпти. Мисол учун, Кореяга асал экспорт қилмоқчимиз, лекин уларнинг рўйхатидан ўтган лаборатория бизда йўқлиги учун, маҳсулот сифатини текшириб, уларнинг мамлакатига олиб кира олмаяпмиз. Бунинг учун Ўзбекистонга халқаро аккредитациядан ўтган лабораторияларнинг филиалларини олиб келишимиз керак. Шунда маҳсулотлар хулосаларини олиб, кўпроқ давлатга тақдим қила оламиз. Бу хориждаги лабораторияларда маҳсулот сифатини текширтиришга кетадиган харажатларни тежаб қолишга ҳам имкон беради.

Яна бир масала, Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар намунаси турадиган жой йўқ эди. Хорижликларга маҳсулотларимизни кўрсатиш учун турли ҳудудлардаги завод-фабрикаларга олиб боришимизга тўғри келади. Бу бир неча кун вақт ва ортиқча харажат талаб қиларди. Шу боис, давлатимиз раҳбарининг тегишли фармони билан Экспорт марказини ташкил этиш белгиланди. Куни кеча, 15 август куни Тошкент шаҳрида Сингапур университети билан ҳамкорликда Экспорт марказини очдик. Доимий ишлайдиган мазкур шоурумдан она диёримизда етиштириладиган ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар жой олади. Ҳозиргача 200 турдаги маҳсулотни жойлаштирдик. Уларнинг олдида ишлаб чиқарувчи ҳақидаги барча маълумотлар қўйилган. Энди хорижлик импортчиларни шу ерга олиб келяпмиз, музокаралар ҳам шу ернинг ўзида олиб борилади. Биз у ерда тадбиркорларга экспорт бўйича давлат томонидан бериладиган ёрдамларни айтиб, амалий кўмаклар кўрсатамиз. Бу имкониятлар экспорт кўламини янада оширишга йўл очади.

Соҳани янада ривожлантириш учун кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Боиси, кўп тадбиркорларнинг экспортда уқуви йўқлиги, уларга аниқ амалий ёрдам кўрсатадиган бўлимлар мавжуд эмаслиги қийнайди. Бундай бўлимларни ташкил этиш учун эса кадрлар етишмайди. Бу бўшлиқни тўлдириш учун уюшмада экспорт бўйича ўқув курсларни йўлга қўйдик. Олий таълимда ҳам экспорт бўйича дарслар кўпроқ амалиётда ўтказилса, кадрлар захираси тезроқ шаклланади. Кадрлар кўпайса, тадбиркорларга кўмак ошиб, экспортчилар сафи янада кенгаяди.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири Ирода ТОШМАТОВА суҳбатлашди.**

## ЖАРАЁН

# ХАЛАҚИТ БЕРУВЧИ ОМИЛЛАР камайди

## Бу Навоий вилоятида ҳам ишбилармонлар сафи кенгайишига хизмат қилмоқда

**Вилоятда жорий йилнинг ўтган даврида қарийб 5 мингта янги тадбиркорлик субъектлари иш бошлади. Ярим йилдан сал кўпроқ вақт ичида бир ҳудудда шунча ишбилармон ўз бизнесини йўлга қўйиши, бизнингча, катта кўрсаткич. Тадбиркорлик йўналишида иш олиб бораётган бизнес вакиллари шу пайтгача бир қатор тўсиқлар мавжудлиги боис, фаолият юритиши анча мушкул бўлган. Биргина лойиҳани амалга ошириш учун қанча идорага боришга, қоғозбозлик қилиб, рухсат сўрашга мажбур эди. Бу каби оворагарчиликдан чарчаб, қўл силтаб, бошлаган ишини ташлаб кетганлар ҳам бўлди. Шундай сансалорлик, турли баҳоналар ортидан соҳа оқсаб қолган.**

Албатта, тадбиркорни қўллаб-қувватлашга ҳаракат бор эди, лекин уларнинг эркин фаолият юритишларига халақит берувчи омиллар ҳам кам эмасди. Сўнгги йилларда соҳада янги босқич бошланди. Одамларда ишонч пайдо бўлди, иштиёқ кучайди. Ўз ишига, касбига меҳри ошди. Навоий вилоятидаги етти ойлик кўрсаткич ана шу саъй-ҳаракатлар самараси, аслида.

Яна бир эътиборли жиҳати, вилоятда 2018 йилгача хорижий капитал иштирокида 56 та корхона мавжуд бўлган бўлса, жорий йилга келиб, улар сони 283 тага етди.

Хорижий сармоядорлар жалб этилиши тармоқларга замонавий, тежамкор технологияларни олиб кириш баробарида, бозорга янги маҳсулотлар етказиб беришда ҳам қўл келмоқда. Масалан, “Zarafshon industry texnology” масъулияти чекланган жамияти томонидан хитойлик ҳамкорлар билан қиймати 46 миллион доллар бўлган кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш мажмуаси ишга туширилди. Мазкур корхонада сульфат кислотаси ишлаб чиқарилади. Йиллик қуввати 200 минг тонна. Республикамизда бундай маҳсулот ишлаб чиқарувчи кўп эмас. Шундан маълумки, маҳсулот омборларда, расталарда туриб қолмайди.

Мутахассислар, ишбилармонлар ҳар қандай фаолият ривожида уч омил — тажрибали мутахассис, моддий-техник база ва муносиб меҳнат шароити муҳимлигини таъкидлашади. Шу жиҳатдан олганда, корхона жамоаси бундан хавотирланмаса ҳам бўлади. Чунки корхонада уларнинг барчаси мавжуд.

Айни пайтда тадбиркорлик соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида вилоятда қурилиш саноати ҳам ривожланиб бораётганини эътироф этиш жоиз. Қисқа даврда ушбу йўналишда 458,6 миллион долларлик 535 та лойиҳа бажарилди.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОDНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Яъни шу тармоқнинг ўзида йилига юздан зиёд лойиҳа амалга оширилди.

Бундан ташқари, Навоий вилоятининг хомашё захирасидан фойдаланган ҳолда жорий йилда Инвестиция дастури доирасида 171,1 миллион доллар қийматидаги 52 та лойиҳа бажарилади.

Навоий шаҳридаги эркин иқтисодий зонада фаолият юритаётган “Zarafshon golden group” корхонаси бино ва кўп қаватли тураржой учун темирбетон ва газобетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда етакчи тадбиркорлик субъекти ҳисобланади. Мазкур кўп тармоқли тадбиркорлик субъектига “Газобетон ва темирбетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш” лойиҳасини амалга ошириш учун инвестиция мажбуриятларини бажариш шартлари билан жами 5,5 гектар ер майдони бино ва иншоотлари билан нол қийматда ажратиб берилганди. Айни пайтда корхонада темирбетоннинг 70 тури ишлаб чиқарилаётган бўлса, газобетон тайёрлаш ҳажми йилига 150 минг квадрат метрни ташкил этади. Ҳар икки лойиҳа учун Хитой, Россия, Италия, Испания ва Туркиядан замонавий технологиялар олиб келинган. Натижада 500 дан зиёд кишининг бандлиги таъминланди.

Тадбиркорлик ривожи ҳақида сўз борганда, тармоққа татбиқ этилаётган янгиликларни алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси — “20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастури вилоятдаги кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтириш ҳамда ишлаб чиқаришни самарали ташкил этишда қўшимча имкониятлар бермоқда. Чунки дастурда иштирок этадиган тадбиркорларга солиқ, божхона тўловларида имтиёзлар тақдим этилиши уларнинг ушбу ташаббусга қизиқишини оширмоқда. Биргина Навоий шаҳри “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган 2 минг 200 киши ҳудудда фаолият юритувчи корхоналарга бириктирилиб, бандлигини таъминлаш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди.

— Бугунги кунда Навоий шаҳрида 6 мингдан зиёд тадбиркорлар фаолият юритаётган бўлса, ушбу дастур амалиётга киритилганидан кейин 200 дан ортиқ ишбилармонлар мурожаат қилишиб, ўз таклифларини билдиришди, — дейди шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ўткир Хақбердиев. — Айни пайтда Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси орқали уларнинг аризалари қабул қилиниб, тегишли тартибда жараёнга киритилмоқда. Бу дастур тадбиркорни ҳам, оддий аҳолини ҳам қўллаб-қувватлашда муҳим восита бўлди.

Ҳақиқатан, Навоий шаҳрида “20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастурида ихтиёрий иштирок этиш истагини билдирган тадбиркорлар сони кун сайин кўпаймоқда. Шу сабабли, масъуллар мунтазам равишда унинг мазмун-моҳиятига бағишланган тарғибот тадбирларини ташкил этяпти.

Вилоятда тадбиркорлар қулай муҳит, яратилаётган имкониятлар ва берилаётган имтиёзлардан самарали фойдаланиб, юртимиз иқтисоди ривожига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқда. Муҳими, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва мавжуд муаммоларини ҳал этиш давлат эътиборида.

**Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири**



НУҚТАИ НАЗАР

# RVA ТИЗИМИ таълим муаммоларига ечим бўладими?

**Ўтган йили давлат тест имтиҳонларидан абитуриентларнинг 51,2 фоизи, аниқроғи, 550 минги 56,7 балл ҳам тўплай олмаганди. Жорий йилда бу кўрсаткич 49,4 фоизга тушди. Экспертлар таъбири билан айтганда, бунга икки омил сабаб бўлиши мумкин: биринчиси, тестларнинг натижага йўналтирилмагани, иккинчиси, таълим тизими мазмунининг бу тестларга боғланмагани. Ҳар икки версияда ҳам тадқиқотчилар ва баҳоловчилар натижани халқаро тажриба мезонларига таяниб тадқиқ этиши, мунтазам мониторинг қилиши, очиқ медиада эълон қилиб бориши орқали ҳолатни ўнглаш мумкин. Бунинг учун соҳа вакиллари аутсорсинг қилиниши мақсадга мувофиқ. Чунки чет эллик мутахассислар ёки халқаро ташкилотлар халқимиз тили ва маданиятини, қаерда қандай тадқиқот ўтказиш мумкинлигини ҳар доим ҳам тушунавермайди.**

**Феруза РАШИДОВА,**
**Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Профессионал таълимни ривожлантириш институти профессори**



Масалан, миллий ташкилотлардан баъзиларининг экспертлари таълим менежменти ва ўқитишда сифат масалаларини халқаро даражада тадқиқ қилади ва бу борада анча ишларни йўлга қўйган. Ҳар бир ўқув муассасаси менежменти келтирилган индикаторларни тахминан ўзи учун ҳам белгилаб олиши ва ички тадқиқот ишларини йўлга қўйиб бориши мақсадга мувофиқ.

Бошқарув тизимида чет тилларни ўрганишни жорий этиш ва таълимда халқаро ISO стандарти менежментини татбиқ қилиб бориш, барча ўқитувчиларнинг ўзбек ва чет тилларни пухта билишига интилишини қўллаб-қувватлаш, профессионал даражада такомиллашиши учун турли уюшмалар билан ҳамкорлик ўрнатиш таълимдаги сифатни такомиллаштиришга хизмат қилиши мумкин.

Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги (собиқ ДТМ) натижалари бўйича фикрни давом эттирсак. Бу йўналишда халқаро талаблар доирасида ишлаш ўта муҳим. 2023 йилда энг ёмон кўрсаткич Сирдарё вилоятида (54,9 фоиз), нисбатан яхшироқ натижа эса худди ўтган йилдагидек Тошкент шаҳрида (40,8 фоиз) қайд этилган. Саккиз ҳудудда абитуриентларнинг 50 фоиздан кўпроғи 56,7 баллдан паст балл олган. Шу ўринда савол туғилади: фақат шу рақамларга қараб иш тутиш бизни энг асосий тадқиқотлардан чалғитиб қўймаяптими? Нега масаланинг сабаблари ўрганилмай, қайта-қайта ўша тестлардан фойдаланилмоқда?

Таълимдаги сифат пасайиб кетаётганининг асосий сабаблардан бири ҳам шунда, деб биламиз. Тест тизими “ёд олинган билимни баҳолаш”, холос. Бугун Ўзбекистонда қабул қилинаётган халқаро тестлар тизимининг бирортасида билим алоҳида баҳоланмай, фақат маълум бир мақсадга йўналтирилган компетенция баҳоланади. У бугун халқаро тизимдан чиқариб ташланган. Гап шу ҳақда кетаркан, ҳақли саволлар пайдо бўлади. Масалан, Ўзбекистон меҳнат бозорида дипломли мутахассислар кўп, лекин уларнинг неча фоизи меҳнат бозорида лаёқатли инсон капитали сифатида тан олинган? Давлатнинг 3 ёшдан 18 ёшгача ижтимоий ҳимоя қилгани бадалини, аниқроғи, мажбурий таълим доирасида фуқаролар ва тадбиркорларнинг солиқларидан шаклланган ижтимоий харажатни бундай кадрлар қачон қоплайди? Иқтисодий легитимлилиги юқори давлатларда бундай кадрлар пенсия ёшига етгунига қадар давлат сарфлаган харажатни 3-4 баробар қилиб қайтарар экан. Биздаги кадрлар-чи?

Бунинг ечимини янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги қонунимиздан топиш мумкин. Унда “Ҳаёт давомида таълим” концепцияси илгари сурилган. Айнан шу йўл билан қисқа муддатда барча соҳа эгаларининг малакасини яхлит тизимга тушириб олишимиз имкони мавжуд. Бунинг учун давлат ташкилотлари юртимиздаги экспертлар жамоасига (давлат ташкилотларига эмас) буюртма бериши ва бир гуруҳ олимлар бу муаммога конструктив босқичма-босқич ечим бериши мумкин. Бунинг учун зарур бўлсагина чет элдан келган халқаро мутахассисларни жалб этса бўлади. Йўқса, бу масалани аниқ халқаро регламент асосида фақат Ўзбекистондаги таълим соҳаси бўйича мустақил экспертлар холисона ҳал этиши мумкин. Бунинг номи шартли равишда RVA деб номланади.

RVA (инглиз тилидан олинган сўзлар: recognition — тан олиниш; validation — ярқлилигини таъминлаш; accrediation — аккредитациядан ўтказиш) тизимини жорий этиш ҳисобига янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг амалдаги ижросини кўриш имконияти кенгаяди.

Натижа кўрсата олмаётган, давлат ҳисобига “кун кўраётган” институтлар фаолиятини тўхтатиб, тўлиқ аутсорсингга бериш мақсадга мувофиқ. Натижада педагоглар орасида рақобат пайдо бўлади. Улар мунтазам малака оширади. Малака оширмоқчи бўлганлар эса “мажбурий-ихтиёрий” малака оширишдан, ортиқча қоғозбозликдан озод бўлиб, чин маънода тажриба ошириш учун турли конференция ва семинарлар, курсларга қатнай бошлайди.

RVA механизми мамлакатимизда қисман бўлса-да, қабул қилинган. Унинг халқаро меъёрларга тўғри келмайдиган жиҳати шуки, тармоқ кенгашлари тўлиқ давлат органлари орқали бошқарилади. Натижада қилиниши керак бўлган иш ҳам кимдир буюрсагина бажарилади.

“Таълим тўғрисида”ги қонунда формал ва ноформал таълим турига бир хил ҳуқуқ берилган. Лекин бу амалда ишлаши учун RVA тизимига мустақил (халқаро ҳамжамият олдида жавобгарликни зиммасига оладиган) олимлар гуруҳи шакллантирилиб, тажриба-синовдан ўтказилиши, халқаро ҳамжамият томонидан тасдиқланиши, сўнг мамлакатимизда жорий этилиши коррупциянинг олдини олишга хизмат қилади. Мазкур тизим ҳақида айниқса, иш берувчилар яхши билади.

Ҳар бир малака даражаси ёшлар учун профессионал жиҳатдан бир поғона ўсишни англатади. Ёшлар ўз вақтида оладиган таълимни малака даражасига боғлаш учун ривожланган давлатларда тизимли механизм амалиётда қўлланяпти. Мактабларда компетенция (охир-оқибат малака даражасини шакллантириш)га йўналтирилган таълим тизими жорий этилган. Ҳар бир ўқув муассасасида ишлайдиган ходим ва педагоглар манфаатдор томонлар — иш берувчилар, ота-оналар, психологлар, педагоглар таълим олувчиларда малака даражасини шакллантиришга ҳаракат қилади. Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳам шунга мослаштирилган. Яъни педагог, менежер ва таълим олувчиларнинг ҳуқуқи уйғунлаштирилган ва натижага йўналтирилган.

RVA таълимнинг барча шаклларини тан олиш, энг катта ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш учун таклиф қилинган кўплаб ечимлардан биридир. Жумладан, камбағалликни қисқартириш, иқтисодий ривожланиш, иш билан бандлик кўрсаткичини ошириш, ижтимоий инклюзивлик ва ҳамжиҳатлик, шахсий ва касбий ривожланиш ҳамда жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бундан фарқли ўлароқ, RVA барқарор ривожланиш ва умрбод таълим олиш учун кенгроқ ва умумий тушунчаларини қамраб олган. Бундай истиқболли ҳаракат ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли йўналиш ва мақсадларини бирлаштириш потенциалини мужассамлаштирган интеграциялашган ёндашувни назарда тутади. Шунингдек, ўзини-ўзи ҳурмат қилиш ва масъулиятни ҳис этиш, бирдамлик, мулоқот ва изланиш қадриятларига асосланади. Бир қатор мамлакатларнинг эмпирик далилларидан фойдаланган ҳолда, RVA тизимининг давлатлар ривожланишига қўшган ҳиссасини кўриб чиқиш мумкин.

У муқобил таълимнинг тўлиқ аҳамиятини акс эттирувчи диверсификацияланган ўқитиш тизимини яратишга олиб келади. Кўп давлатларда таълимнинг муҳим қисми сифатида қабул қилинади. Барча ўқувчилар учун тенг ҳуқуқ ва адолатли имкониятларни таъминлаш мақсадида қўлланади. Ўқитиш тизимини ислоҳ қилиш, жараёндан четда қолган одамларнинг расмий таълимдан ташқарида олган билим ва кўникмасини янада ривожлантириш, расмий малакага эришишини таъминлаш учун рағбатлантириш воситаси вазифасини ўтайди.

Баъзи давлатларда RVA халқаро малака талабларига тенглаштирилган миллий малака сертификати учун ишлатилади. Баъзи мамлакатларда олий таълим муассасалари танқислиги туфайли ноанъанавий таълим усулларини тан олишга мажбур бўлинмоқда. У ерда RVA иш билан банд бўлганлар томонидан академик ва касбий ривожланиш учун таълимнинг кейинги босқичига ўтиш ёки чет элда ишлаш ҳуқуқини қўлга киритишда муҳим аҳамиятга эга.

Хўш, бу борада мамлакатимизда нима ишлар қилинмоқда? Европа Иттифоқи, ЮНЕСКО, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти, Швейцария ҳукумати, Осиё ва Европа тараққиёт банклари кўплаб лойиҳалари билан халқаро малакани давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда жорий қилиш учун профессионал таълим педагоглари ва раҳбарларининг малакасини оширмоқда.

Юртимизда биринчи марта дуал таълим тизими жорий этилмоқда. Ушбу лойиҳалар инсон капиталини ривожлантириш учун ажойиб инвестиция. Лекин RVA тизими жорий этилмагани учун таълим бошқарувидаги ўзгаришлар ISO стандартига мослаштирилмаса, кутилган самарага эришиш мушкул. Зеро, бу соҳада миллий экспертлар қилиши мумкин бўлган ишлар кўп.

**ЮРТИМИЗДА БИРИНЧИ МАРТА ДУАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА. УШБУ ЛОЙИҲАЛАР ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН АЖОЙИБ ИНВЕСТИЦИЯ. ЛЕКИН RVA ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛМАГАНИ УЧУН ТАЪЛИМ БОШҚАРУВИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ISO СТАНДАРТИГА МОСЛАШТИРИЛМАСА, КУТИЛГАН САМАРАГА ЭРИШИШ МУШКУЛ. ЗЕРО, БУ СОҲАДА МИЛЛИЙ ЭКСПЕРТЛАР ҚИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ИШЛАР КЎП.**



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОDНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК



# Аёл-қизларнинг ЯНГИ ҒОЯЛАР ЛАБОРАТОРИЯСИ мавжуд тўсиқ ва стереотипларни енгишни кўзда тутади

**Назокат КАРИМОВА,**
**Тошкент давлат техника университети таянч докторанти**

**Дунё илм-фанида гендер тенгсизлик кучайиб бораётганига гувоҳ бўляпмиз. Ушбу бўшлиқни тўлдириш учун муайян қадамлар қўйилган бўлса-да, илм-фанда аёл-қизларнинг кам иштироки бугуннинг муаммоси бўлиб қолмоқда. Бунга ечим сифатида махсус илмий оромгоҳлар ташкил этиш орқали аёл-қизларнинг таълими ва карьераси учун кенг йўл очиш имконияти пайдо бўлди. Бу борада Ўзбекистонда илк марта аёл-қизлар учун илм-фан оромгоҳи ташкил этилди. Унда юртимиз бўйлаб сараланган энг иқтидорли, илмга чанқоқ ва креатив аёл-қизлар жамланди.**

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида ташкил этилган оромгоҳ лойиҳаси доирасида хотин-қизларнинг илмий фаолияти кенг тарғиб этилди. Илмий тадқиқот билан шуғулланаётган опа-сингилларимизга тажрибали олим ва мутахассислардан назарий билимларни ўзлаштириш, ўзаро тажриба алмашиш учун қулай имконият тақдим этилди.

Дастур асосида тақдим этилган бир-биридан манфаатли тренингларда иштирокчилар махсус либосда қатнашди. Бу илм-фанда жон куйдираётган ёш олималарнинг умумий қиёфасини яхлит оила аъзолари сифатида гавдалантирди. Тадбир иштирокчиларга тажриба алмашиш, янги кўникмаларни ўрганиш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш учун платформа вазифасини ўтади.

— Аёл-қизлар учун илм-фан оромгоҳи соҳада гендер тенгликни тарғиб қилиш билан бирга гендер қарама-қаршиликсиз илмий фаолият билан шуғулланиш, халал берувчи стереотипларни йўқ қилиш ва илм-фанда аёл-қизларнинг ролини оширишга ҳисса қўшади, — дейди лойиҳа иштирокчиси Раъно Алиқулова.

— Бу ерда билим ва тажрибамни синовдан ўтказдим. Илм-фан оромгоҳи лойиҳаси ўзим танлаган ва бошлаган илмий изланишларим учун катта олималар билан бирга ишлашимда мустаҳкам занжир бўлди.

Илм-фан оромгоҳида аёл-қизлар ноёб ғоялари ва ёндашувлари билан ўртоқлашди. Бу эса фикрлар хилма-хиллиги ва инновацион ечимларни рағбатлантирди.

— Оромгоҳ лойиҳаси ёш аёл-қизларнинг илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш, уларни илмий фаолиятга кенг жалб қилиш, иқтидорли талаба қизларни излаб топиш, рағбатлантириш, илмий тадқиқотларга қизиқишини оширишни кўзда тутади, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари Дилноза Каттахонова. — Шунингдек, ёш олималар ҳамда юқори малакали илмий-педагог кадрлар ўртасида тизимли учрашувлар ҳамда илмий ҳамкорликни йўлга қўйиш, илмий ва лойиҳалаштириш фаолияти билан шуғулланишга жалб қилиш, мантиқий ва танқидий тафаккурни сингдириш, жаҳон таълим манбаларидан, илғор илмий адабиётлар электрон каталоглари, маълумотлар базасидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш каби мақсадлар кўзланган.

Жамиятда ўз ўрнига эга бўлган таниқли шахслар ўтказган семинар-тренинглар оромгоҳнинг 100 га яқин иштирокчисида илмий тадқиқотнинг аҳамиятли жиҳатларини тушунишга хизмат қилди. Уларда илм-фанга чинакам қизиқиш ошиши ва танлаган соҳаси бўйича кейинги таълимни давом эттиришга ундаши, илмий қобилиятига ишончни орттириб, қийинчиликларни чидам билан енгиш каби кўникмаларни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

— Муттасил ривожланаётган илм-фан ва технологиялар ландшафтини кезар эканмиз, келажак илмини шакллантиришда аёл-қизлар роли тобора долзарблик касб этмоқда, — дейди тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Зебинисо Адҳамова. — Аёл-қизлар учун илм-фан оромгоҳлари ҳали фойдаланилмаган истеъдоднинг ўзгарувчан потенциалини очиш, тараққиёт йўлига ғов бўлаётган тизимли тўсиқларни ҳал қилиш учун калит вазифасини бажаради.

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви ва янги технологик ривожланишга ўтиш жараёни халқаро товар ва молия бозорларида, рақамли технологияларни жорий этиш соҳаси ва аҳолининг ўсиб бораётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш усулларида рақобатнинг тобора кучайишига олиб келмоқда. Ушбу масалаларнинг асосий ечими илм-фан ва инновациялар соҳасида етакчи мамлакатлар қаторидан ўрин олишдир. Шу боис, ривожланаётган аксар мамлакатлар рақобатбардошликни ошириш ва мустаҳкамлаш бўйича юқори технологияли ишлаб чиқаришни ва глобал маркетингни фаол ўзлаштириш, устувор йўналишларда илмий мактабларини ташкил этиш, тажрибали ва малакали мутахассисларни жалб этиш, инновацион салоҳиятга эга истиқболли стартапларни қўллаб-қувватлаш, узоқ муддатли барқарор ривожланишнинг молиявий ва институционал асосларини яратиш учун давлат имтиёзларидан мақсадли фойдаланиш каби чораларни кўрмоқда. Бу жараёнда аёл-қизларнинг ўрни ва иштирокини эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

— Бугунги глобаллашув даврида хотин-қизларнинг имкониятини кенгайтириш, гендер тенгликни таъминлаш долзарб масалага айланди, — дейди лойиҳа иштирокчиси Гулҳаё



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОDНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Равшанова. — Бунинг муҳим жиҳатларидан бири аёл-қизларнинг таълим олиш имкониятини таъминлаш билан боғлиқ. Уларнинг билим олиши бир неча сабабга кўра жуда муҳим. Жумладан, имкониятларни кенгайтиради, онгли равишда танлов қилиш ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиш имконини беради. Қолаверса, гендер меъёрлари ва тенгсизликларига қарши курашиш, орзуларини амалга ошириш ва ўзгаришлар иштирокчиси бўлишга кўмаклашади.

Ўқимишли аёл-қизлар овқатланиш, гигиена, репродуктив саломатлик ва касалликларнинг олдини олиш бўйича билимларга эга бўлиб, жамиятнинг умумий турмуш фаровонлигига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунингдек, таълим орқали камбағалликни енгишда бошқалар қатори тенг иштирок этиб, ҳисса қўшади. Аёл-қизлар зарур билим, кўникма ва малакага эга бўлса, яхши иш топиб, кўпроқ маош олади ва оиласининг иқтисодий фаровонлигига ҳисса қўшади. Бу орқали жамиятнинг юксалишига ёрдам беради.

Илм-фан оромгоҳида тадқиқотчилик билан изчил шуғулланаётган аёл-қизлар қатори бўлғуси олималарнинг илмий изланишга қизиқиши ва интилиши қўллаб-қувватланди. Кейинги фаолиятида илм-фан билан кенгроқ шуғулланиши, илмий манбалардан фойдаланишда аҳамият бериладиган жиҳатлар, илмий самарадорликка эришиш, касбда, илм-фанда ва энг асосийси, оилада муваффақиятли аёл-қизлар бўлиши учун замин ҳозирланди. Учрашувлар, илмий ҳамжамият билан қимматли ўзаро алоқалар жуда катта аҳамиятга эга бўлиши, бу каби илм-фан оромгоҳлари ёш тадқиқотлар сафини кенгайтириш ва олима аёллар кўмагида устоз-шогирд анъаналарини ривожлантиришда беқиёс ўрин тутиши эътироф этилди. Олималарнинг илмий фаолиятига оид ютуқларини оммалаштириш, инновацион ғояларини рағбатлантириш, илм-фан, илмий фаолият соҳасидаги миллий ва халқаро танловларда, халқаро рейтингларда иштирокини тарғиб қилиш ва қўллаб-қувватлаш фаол давом эттирилиши таъкидланди.



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

# “ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯМНИНГ ЯРМИ СИЗНИКИ”



**Мансурхон ТОИРОВ,**
**профессор**

**Юртдошларимиз учун оғир айрилиқ кунида Эркин Воҳидовнинг халқимиз учун нечоғлик ардоқли экани намоён бўлди. Ҳассакашлар қаторида кўплаб чет эллик меҳмонлар ҳам бор эди. Шоир хотирасига берилган эҳсон дастурхонига ҳам кўп одам келди. Гўё азим дарё мавжланиб оққандек бўлди...**
**Буюклик халқнинг қалбига йўл топа билишдадир. Миллатимиз қалбидан жой олган буюк аждодларимиз номини асрлар, минг йилликлар шитоби ўчира олмади. Ўчира олмайди ҳам. Ҳақиқий шоир юраги халқ юраги билан ҳамоҳанг уради. Қуёш нури сўнмаганидек буюк шоирлардан мерос қолган дурдона асарлар, мисралар ҳам минг йиллар ўтса-да, завол топмайди. Авлодлар қалбида нур таратишдан тўхтамайди.**

Бундай буюк истеъдод эгалари бой ижодий меросининг қадр-қиммати адабиётимизнинг юксак намуналаридан жой олгани билангина чекланиб қолмайди. Айтиш мумкинки, уларнинг мангуликка дахлдор асарлари халқимиз маънавиятини, тафаккурини бойитишга жуда катта таъсир кўрсатган ва кўрсатмоқда.

Эркин Воҳидов шахси ва ижоди нафақат юртимизда, бошқа республикаларда ҳам машҳур бўлган, китоблари қатор тилларга таржима қилинган, адабий, илмий давраларда катта эътироф қозонган эди...

1970 йили аспирантурада ўқиб юрган кезларим Наврўз байрами баҳонасида турли соҳалар бўйича Ленинградда илм қилиб юрган ўзбекистонлик аспирантлар биз яшаб турган ётоқхонага тўпланди. Ётоқхонамизнинг кенгмўл ошхонасида байрам дастурхони ёзилиб, атрофидан юз чоғли одам ўрин олди. Сўзга чиққанлар кўп бўлди. Ёдимда қолгани ўшанда мен ва ўша издиҳомдаги ватандошларимизнинг аксарияти биринчи марта “Ўзбегим” шеърини тинглаган эдик. Назаримда, айнан шу куни давр мафкурасининг қалбимиздан она Ватан туйғуси, буюк аждодларимиз ёди, дину диёнат, урф-одатларимиз, тарихимизни ўчиришга уринишлари барбод бўлишидаги бошланғич қадам қўйилганди. Ўшанда илк бор Эркин Воҳидов номи қалбим тўрига кириб борди. “Ўзбегим” шеърини ҳали ёш актёр, ҳозир санъатимиз дарғаси мақомига эришган Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев зўр маҳорат билан ўқиб берганди...

Фан номзоди бўлганимдан сўнг кўп ўтмай, докторлик диссертациясини бошлаш ҳаракатига тушдим. Барча расмиятчиликларни тугатгач, илмий ишимни амалга ошириш учун белгиланган лабораторияга бордим. Кирдим-у, дилни ғаш қилувчи ҳолат устидан чиқиб қолдим. Мен билан қадрдон бўлиб қолган ёш олим Юрий Руднинг докторлик диссертацияси ҳимояси барбод бўлибди... Буни эшитгач, ишга жон-жаҳдим билан киришиб кетдим. Юрий ҳам мен билан юпаниб, бир оз бўлса-да, ташвишини эсдан чиқаргандек бўлиб юрди. Бир йилча вақт ўтгач, диссертациясини ёқлаш учун қайтадан институт директори, академик Жорес Алферовнинг рухсатини олишга ҳаракат қила бошлади. Лекин бир неча ой мобайнида бирор маротаба Жорес Алферов билан икки оғиз гаплашишга ҳам муяссар бўла олмади.

Руднинг Алферов билан учрашишга юраги дов бермаётган бўлса керак, деган хулосага келиб, ўзимнинг диссертациям хусусида жиддий бош қотира бошладим. Илмий ишни меҳнат, ақлу фаросат билан қиларман, диссертацияни ҳам ёзарман, лекин Руддек машҳур олим яқинлаша олмаётган Жорес Алферов, Владимир Тучкевич, Юрий Гуляев каби академиклар билан қандай учраша оламан, уларга илмий ишимнинг моҳиятини қандай етказаман, энг асосийси, диссертациямни ёқлаш учун уларнинг рухсатини қандай оламан, деган савол ва хавотир менга ҳеч тинчлик бермай қўйди.

Тошкентга қисқа муддатли таътилга келган кезларим китоб дўконларидан бирида Эркин Воҳидовнинг Москвадаги нашриётлардан бири томонидан 1986 йилда жуда бежирим қилиб чоп этилган рус тилидаги шеърий тўпламига кўзим тушиб қолди. Ҳеч бир иккиланмай, ушбу китобдан еттитасини сотиб олдим-да, тўғри Ўзбекистон Фанлар академиясига бордим. У пайтларда академик Пўлат Ҳабибуллаев академия президенти эди.

Пўлат аканинг ёрдамчиси Лилия Мансуровна деган дилбар, хушмуомала аёл мени яхши танир эди. Шу боис, ҳеч бир қийинчиликсиз академия раҳбарининг қабулига кириб бордим. Пўлат ака мени “Хўш, нима гап?” дея кутиб олди. Мен илмий ишим билан боғлиқ вазиятни қисқа, лўнда қилиб тушунтиргач, қўлимдаги шеърий тўпламлардан уч-тўрттасини унга узатдим. “Шу китобларга Алферов, Тучкевич ва Гуляев учун дастхат ёзиб берсангиз?”, дея илтимос қилдим. Пўлат ака менга ялт этиб бир қаради-да, китобларни олиб, индамасдан икки академик номига яхши тилаклар ёзиб, дастхат қўйиб берди. Ниманидир ўйлади, шекилли: “Гуляевга кейин ёзиб берарман”, деб қўйди...

Тўпламлар Алферов ва Тучкевичнинг қўлига теккач, тўсиқларни енгиб ўтишим осонлашди. Ҳар икки академикни илмий ишимнинг мазмуни билан таништиришимга имконият пайдо бўлди. Ҳатто Рудга тегишли илмий ишнинг ижобий томонларини кўрсатганимдан сўнг шеригим ҳам тез орада докторлик диссертациясини ёқлаб олди. Мен ишлаган лабораторияга ишонч ортди, обрўси кўтарилди. Диссертациям ҳимоясидан сўнг яна бир неча олимнинг фан доктори бўлиши учун кенг йўл очилди. Улардан бири — профессор Геннадий Медведкин кейинчалик АҚШ фуқароси бўлгач, мени океанортида ўтказилган илмий конференцияга таклиф этди.

Хизмат вазифам тақозосига кўра, ҳукумат телефони бириктирилган кезлари Эркин Воҳидов билан тез-тез у-бу масалаларни маслаҳатлашиб олардик. Ҳатто биргаликда ҳашарларда иштирок этар, кўчатлар экардик. Атоқли шоир биз ўтказган тадбирларда бир неча бор иштирок этиб, пурмаъно маърузалар қилган. Шундай учрашувларимиздан бирида Эркин Воҳидов билан бир пиёла чой устида суҳбатлашар эканмиз, юқорида баён қилинган воқеаларни у кишига айтиб бердим. “Докторлик диссертациямнинг ярми сизники, Эркин ака”, деганимда буюк шоиримизнинг нурли чеҳрасида майин табассум зоҳир бўлди. Шу-шу адибнинг ўша пайтдаги майин жилмайган ҳолати хотирамда муҳрланиб қолди...

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



МУЛОҲАЗА

# “Беозор” жумла машаққати

## “Битта эркак ўқиса, битта оила маърифатли бўлади. Битта аёл ўқиса, миллат маърифатли бўлади”

**Биз уни қай даражада тушунамиз, қанчалик кўламда тасаввур эта оламиз? Энг муҳими, уни оиламизда, фарзандларимиз мисолида қанчалик татбиқ эта оляпмиз?**
**Келинг, бунга амалий жиҳатдан назар ташлаб, фикрлашайлик.**



Қиз болани ўқитиш керакми ёки йўқми, деган саволга бугун кўпчилик “ҳа” деб жавоб беришини ва бунга амалий жиҳатдан астойдил ҳаракат қилишини, самарасини кўриб чин дилдан қувонишини истаймиз. Лекин “Қиз болани ўқитиш шарт эмас, у турмушга чиқиб оилани эпласа, бола туғса, рўзғор юмушлари билан банд бўлса бўлди,” дейдиганлар оз деб ўйлайсизми? Бунинг учун атрофга тузукроқ разм солишнинг ўзи етарли.

“Рўзғор юмушлари” бир қараганда силлиққина, беозор, кичкина жумла. Бироқ шу “беозор” жумланинг замиридаги машаққатли жисмоний меҳнат кўламини, руҳий залварини ҳар доим ҳам ҳис этавермаймиз. Ҳар куни неча бор овқат қилиш, кир ювиш ва уни дазмоллаш, бичиш-тикиш, уйни тозалаш, ҳовли супуриш, сигир соғиш ва ҳоказо... Бу адоқсиз рўйхатдаги юмушлар аёллар зиммасида. Уларга болалар парвариши, тарбияси, дарсини назорат қилиш каби вазифалар уланиб кетганини ҳам биламиз. Ва беихтиёр эсдан чиққан, лекин аёл зиммасига “юклатилган” вазифалар яна қаторлашиб келаверади: уйдаги кекса ёки болалар бетоб бўлиб қолса ҳам куну тун парвона бўлиш, миллий қадриятларимиз сафидан ўрин олган “меҳмон кутиш”, идиш-товоқ ювиш, эрининг ҳафта ўтмай яна келган ошналари, қариндошларини ҳар қандай шароитда кулиб қабул қилиш... Қайнона-қайнотага эътибор ва муомала эса биринчи галдаги алоҳида ва ўта нозик масала, албатта.

Агар шуларни эплолмаса ёки норозилиги бирор марта гап-сўзида, ҳатто тунд қиёфаси орқали акс этса, аёлга нисбатан дакки-дашном, таърифу-тавсия ўзгача тус олади одатда: тарбия кўрмаган, сабрсиз, ношуд...

“Болаларнинг дарсларни ўзлаштириши паст бўлишига аёл айбдор, чунки эркак кўчанинг одами. Рўзғорини тебратаман деб кечгача ишлайди, кўчада юради. Унинг фарзанд тарбиясига вақти бўлмайди”, дегувчилар йўқ деб ўйлайсизми? Турмуш, оила борасидаги бундай тасаввур ва фикрни тўғри деб биладиган “аҳли дониш”лар аёлининг ақлу идрокига ҳам бир умр шубҳа билан қарайди. Шу сабаб қизидаги қобилиятни, фазилатларни англамайди, қадрламайди, унинг мактабидаги ўқишига ҳам бепарво. Аксинча, тақдирнинг бу “адолатсизлиги” учун қиз туққан аёлини айблайди. Айни пайтда унинг ўғлига ажратадиган эътиборнинг эса чек-чегараси йўқ. Унинг учун маблағ йиғади, данғиллама уйлар қуради, бой-бадавлат, катта ишда ишлайдиганлар билан қуда-анда бўлишга ҳаракат қилади. Ўғлининг ўқишига репетитор ёллаб, пул сарфласа, тез орада олий ўқув юртига кириб кетишига ишонади ҳам. Бутун оила, фарзандлар келажаги учун қайғуриш шундангина иборат холос, деб билади.

Қизи унинг учун бировнинг ҳасми ёки палахмон тоши, бир куни уйидаги бор буюмларни ўзга уйга олиб кетувчи... Она қизи учун сарпо йиғиш ва кун келиб уни узатиш ҳақида қайғуриб кун ўтказади. Чунки онанинг ўзи ҳам қиз боланинг борлиги кўтара ташвиш деб тушунувчи оилада катта бўлган. Ўша дунёқараш билан яшаяпти.

Онанинг ёдида: қизи чақалоқ пайти кечаси билан иситмалаб чиқди. Эри “Ўчир анавингнинг овозини, бешик-пешиги билан ҳозир кўчага улоқтираман”, деди. Она хаста норасидани бағрига маҳкам босиб, ҳовлидаги сўрида тонг оттирди. Эрталаб уч яшар ўғлининг ҳам иситмаси кўтарилиб, тоби қочди. Эри зудлик билан қишлоқ шифокорини уйга олиб келди. Врач болани яхшилаб текшириб, иситма туширадиган укол қилди, керакли дорилар рўйхатини ёзди.

Шу пайт бешикдаги чақалоқнинг инграган овози эшитилди.

— Бешикдаги бола ҳам касалга ўхшайди, уни ҳам кўриб қўяман, — деди шифокор қайнонасига. — Ҳар бир чақалоқнинг саломатлигини кўриш вазифам, — дея иссиғи баланд қизалоқни қўлига олди ва тезгина биринчи ёрдамни кўрсатиб, болани шифохонага олиб кетиш керак, деган хулосасини айтди.

— Дўхтир, хотиним чақалоғи билан шифохонага кетса, ўғлимнинг аҳволи нима бўлади? Илтимос, хотиним уйда, ўғлим ёнида бўлсин. Ҳар куни сизни ўзим олиб келаман, ўшанда чақалоққа ҳам қарарсиз. Умри бўлса, шифохонасиз ҳам ўлмайди, — деганди ўшанда эри.

Бу гапдан кейин қишлоқ шифокори ҳар куни уларнинг уйига қатнаб болаларни даволаган. Ўшанда она қизининг ташвишларини бир ўзи кўтарди.

Бу қайтар дунёда инсон хор этган ҳар бир нарсанинг тўловини тўлайди. Қизидаги иқтидорига эътиборсизлиги эвазига ота ортиқча эркалатган ўғли учун ҳаётда кўп бора “товон” тўлади.

Ўғлини бир амаллаб олий маълумотли қилди. Таниш-билиш билан ишга жойлади. Ўғил эса бир умр бир жойда муқим ишлаб кетгани йўқ. Бу орада қобилияти қўллаб-қувватланмаган қиз ҳам руҳий тушкунлик ва моддий қийинчилик туфайли ҳаётда кўп қийналди. Интилишдан, курашдан тўхтади. Онаси хавотирланганидек қадрига етмайдиган бир оилага келин бўлди. Туғилиб камолга етган оиласидаёқ ортиқча ташвиш, оиламизга омадсизлик келтирган бехосият деган, тамға пешонасига урилган қиз на келин бўлиб тушган оиласида иззат кўрди, на турмуш ўртоғидан вафо топди.

Оиладаги ўғил болани деб қиз боланинг руҳи синдирилди, унга етарли эътибор берилмади. Натижада оила икки тарафлама ҳам ютқазди. Аслида, ҳар қандай фарзанд ва ундаги истеъдод, аввало, оилада ўз баҳосини олиши, қадрланиши керак.

Бу борада Абдурауф Фитрат шундай ёзади: “Одамнинг феъл ва ҳаракатини бир яхши шакл ва мазмунга келтириш учун руҳни тарбиялаш лозим. Болаларни ўзига ишонган, кучли, топқир, чаққон ва ақлли қилиб тарбиялаш учун ўз қадр-қиммати, шаънини ҳурмат қилиш руҳини тарбия қилмоқликни, шу билан бирга, ён-атрофдаги одамлар билан ҳисоблашишни ўргатмоқ керак... Болаларни шундай тарбиялаш лозимки, бахтга бўлган интилишлари ҳеч қачон хазон бўлмасин... Ота-она болага мамнунлик ва хурсандчилик қилишни ман этмаслиги, балки ахлоққа зид бўлмаган ишлар билан мамнун ва хурсанд бўлишини қўллаб-қувватлаши керак”.

Ҳали ўзининг оддий инсоний бурчини аниқлай олмаган ота-онадан қандай ватанпарвар фарзандлар кутамиз. Замондан, ўзи яшаётган Ватанда кечаётган ўзгаришлардан воқиф бўлмаган, эътиборсиз оилалар даврасида фақат майда-чуйда гурунглар бўлармикан, дея ҳайрон бўламан. Фарзандларимизнинг катта ёки кичик ютуқлари оила даврасида қўллаб-қувватланиши ёшларда ўзига нисбатан ишонч туйғусини шакллантиради.

Оила — муқаддас қўрғон. Бу қўрғондаги ўринли рағбат фарзандларимиз учун жуда катта мукофот каби аҳамиятли. Бола ҳар лаҳзада ўзини кимдир кузатиб, яхши кўриб турганини, ишонаётганини, қўллаб-қувватланаётганини сезиб туриши керак. Унинг нимжон тани учун сув ва егулик қанчалик зарур бўлса, онги ва ақл-идроки учун руҳий қувват ҳам шунчалик зарур. Бу руҳий қувватнинг номи меҳр ва эътибор деб аталади. Зурриётларимиздаги истеъдодлар лоқайдлигимиз ва илмсизлигимиз туфайли рўёбга чиқмай қолишига йўл қўя олмаймиз.

Нуронийларимизда улуғ дуо бор: дунё тургунча туринг!

Ҳа, инсон авлодлари бардавом бўлишини — фарзандлар, невара-чеваралар кўришини сўраб шундай тилак билдиради. Аммо бу абадийликка чанг солувчи иллатлар кўп: илмсизлик, иродасизлик, очкўзлик, ахлоқсизлик, дангасалик, ўғрилик, эътиқодсизлик, имонсизлик. Бундай ҳалокатдан нажот эса билимдадир.

Давлатимиз раҳбари бир чиқишида сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимизнинг қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқлиги, бизнинг асосий вазифамиз — ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олиш эканини таъкидлаб ўтганди.

Аёлнинг ҳаётдаги вазифаси ҳам, ўрни ҳам ниҳоятда катта. Унга эътибор ҳам, кўмак ва ҳурмат ҳам шунга яраша бўлмоғи керак. Ахир оилада саранжом-саришталик, меҳр-муҳаббатга тўла муҳит, оила аъзолари ўртасида кўнгилни шод этувчи муносабат яратгувчи ҳам аёл. Тараққиёт жадаллашган бугунги замонда эса унинг зиммасига оила ва фарзандлари, турмуш ўртоғига мунтазам эътибор билан бир қаторда эл-юрт равнақи йўлида зиёли шахс сифатида иштирок этишдек вазифа юкланган. Шу боис, биз ҳам ўғил-қизларимиз таълим-тарбияси, бахтли ҳаёт кечиришлари учун масъулиятимизни бир лаҳза унутмайлик. Бунинг учун жон томирларимиз сув ичиб турган манбаи иймону эътиқод, маънавият дарёси бўлсин. Дунё тургунча туринг!



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

**Зулфия МАРДОНОВА,**
**шоира**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-846.
43690 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Феруза Жўраева
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 02:15 Топширилди — 02:45

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05